O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 27 ноябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 94 (7497)

Da'vat

Tasodifiy kashfiyotlarni faqat aqli yetilganlargina ochadi.

Blez PASKAL

Ibrat

Urganch tumani ta'lim muassasalari qish mavsumini yaxshi tayyorgarlik bilan kutib olmoqda. Xususan, tumandagi har bir maktabda shart-sharoitlarni kuzatuvchi vazifasi ta'sis etilib, bu xodim qish davomida birinchi galda muassasada issiqlikning belgilangan miqdorda bo'lishi uchun mas'ul hisoblanadi.

НАТО: ҲАМКОРЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ОЧИҚЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21-22 ноябрь кунлари НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Прага саммитида иштирок этди.

Президентимиз Прага сафарининг биринчи куни НАТО Бош котиби Жорж Робертсон, иккинчи куни эса АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ҳамда Франция Президенти Жак Ширак билан учрашди. Ушбу учрашувларда асосий диққат-эътибор хавфсизлик масаласига қаратилди. Бу – табиий. Зеро, НАТО аъзолари ва ҳамкорларининг бир ташкилот атрофида жипслашувдан кўзлаган мақсади ҳам миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан иборат.

Ислом Каримов Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида ҳам биринчи навбатда террор муаммосига эътибор қаратди. Дунё аҳли 2001 йилнинг 11 сентябри воқеаларига қадар бу балога унчалик жиддий эътибор бермади. Тинч мамлакатларда содир этилган қўпорувчиликлар, портлашлар кўпгина оммавий ахборот воситалари томонидан «бир кунлик ваҳима» қабилида қайд этилар, жиноятчиларни топиш ва жазолаш айрим идоралар даражасида олиб борилар эди.

Халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳам, инсоний қадриятларни ҳам тан олмайдиган ёвуз кучлар бутун бир давлатни эгаллаб олиб, узлуксиз наркотик модда ишлаб чиқарар, манфур ва беҳаҳм жаллодларни ўзининг фахрий меҳмони атаб, ўз паноҳига олган эди. Афғонистонда қулоч ёйган офат уммонлар ошиб, олис қитъаларга ҳам етиб боргандан кейингина террорчиликка қарши жиддий курашиш зарурлигини англаш бошланди. Ваҳоланки, икки бор жаҳон урушини бошдан кечирган инсониятга касални даволагандан кўра унинг олдини олиш осон ва афзаллигини тушунтиришга ҳожат йўқ эди.

АҚШ раҳбарлигидаги халқаро аксилтеррор коалициясининг дадил ҳаракатлари билан Афғонистонда террор ўчоқлари бартараф этилди. Ислом Каримов бунинг учун коалиция аъзоларига миннатдорлик билдирар экан, ҳали Афғонистонда кўп иш қилиш кераклигини таъкидлади. Аввало мамлакат аҳолисини қуролсизлантириш керак. Айрим маълумотларга қараганда, Афғонистонда одамлар қўлида бир неча миллион дона ўқотар қурол бор. Урушга кўникиб қолган, қўлида касб-коридан кўра қуроли кўпроқ одамдан эса ҳар нарсани кутиш мумкин.

Бу муаммо билан ёнма-ён турган яна бир масала миллий армия ва давлат бошқарувини шакллантиришдир. Ягона ҳокимиятга бўйсунадиган, малакали кадрлардан ташкил топган армиягина мамлакатда хавфсизликни сақлаб туришга қодир. Ҳаётни изга солиш, одамларни бунёдкорликка жалб этиш эса ҳукуматга тааллуқли иш. Афғонистоннинг марказий ҳокимияти мамлакатнинг барча минтақаларини бирдек ўз назорати остига олган, деб бўлмайди. Ҳукуматнинг таъсир доирасини кенгайтириш, аҳоли орасида унга ишончни мустаҳкамлаш ва кучайтириш учун улкан иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш керак. Жўн айтганда, одамлар иш билан, ҳаёт учун зарур бўлган юмуш билан таъминланмоғи лозим. Бу борада халқаро ҳамжамиятнинг кўмагисиз бирор муваффақиятга эришиш қийин. Ислом Каримов Афғонистонни тиклаш масалаларига бағишлаб ўтказилган Токио конференцияси қарорларини бажариш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти анжуман қатнашчилари эътиборини қаратган иккинчи муаммо наркобизнес бўлди. Террорнинг асосий озуқа манбаи айни шу «соҳа» эканлиги, террорчилик билан наркобизнес чамбарчас боғлиқлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Наркотик моддаларнинг ғайриқонуний етиштирилиши, сақланиши, ташилиши ва савдосига қарши курашда Марказий Осиё мамлакатларининг НАТО билан ҳамкорлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу билан хавфсизликка таҳдид солувчи кучларнинг молиявий манбаларига зарба берилади.

Президент Ислом Каримов ўз нутқида мазкур мавзуни ривожлантириб, Ўзбекистон НАТОга аъзо мамлакатларнинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларини янада фаоллаштиришга, биринчи навбатда, хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келаётганини таъкидлади.

— Биз НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, террорчиликка қарши курашиш борасида тайёргарликни янада такомиллаштиришга йўналтирилган шериклик муносабатларимизни кенгайтириш тарафдоримиз, - деди Ислом Каримов.

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

РЕЙТИНГ ТИЗИМИГА ЎТИШДАН МАНФААТ БОРМИ? 2-бет

ЁШЛАРДА РАҚОБАТБАРДОШЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ ҚАНДАЙ ТАРБИЯЛАНАДИ? 3-бет

ГЎЗАЛЛИК ОЛАМИГА ИЛК ҚАДАМЛАР 4-бет

ДАРС ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛАШГАНДА 5-бет

ЙЎҚОТИШ НАТИЖАСИДА ТОПИШ 5-бет

КИТОБХОНЛАР БИЛАН ИШЛАШ 6-бет

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИМИЗ ГАРОВИ 6-бет

ИШҚИВОЗ (Hikoya) 8-бет

Seminar

МУАЛЛИФЛАР МУЛОҚОТИ

Пойтахтимиздаги Тошкент алоқа коллежида ЎМКҲТ тизими йўналишида махсус фанлар бўйича ўқув адабиётлар яратган ва яратувчи муаллифлар учун ўқув семинари бўлиб ўтди. Унинг асосий мақсади — махсус фанлар бўйича ўқув адабиётларини яратувчи муаллифларнинг жаҳон андозаларига мос келувчи намуналар ёрдамида юқори сифатли қўлланмалар ёзишларига кўмаклашишдан иборат бўлди.

Семинарга Осиё Тараққиёт Банки лойиҳасининг халқаро эксперти Тим Хант ҳамда маҳаллий эксперт Олимжон Холмуҳаммедовлар етакчилик қилишди. Мазкур ўқув семинаридан олган билим ва тажрибаларини иштирокчилар ўз йўналишлари бўйича сифатли, қизиқарли дарслик ёзиш фаолиятида самарали қўллашларини таъкидладилар.

Ғофур ЖАБИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Tadbir

БОЛАЛАР НИГОҲИДАГИ ДУНЁ

Республика Ўқувчилар саройида Халқ таълими вазирлиги, республика Болалар жамғармаси ҳамкорлигида "Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш конвенцияси"нинг ўн уч йиллигига бағишланган "Замонавий дунё — болалар нигоҳида" мавзуидаги ёш ижодкорлар кўргазма танлови намойиш этилди. Беш кун давом этган ушбу танловнинг якуний натижалари асосида ғолибларни тақдирлаш маросими ҳақиқий маънодаги байрамга айланиб кетди, тадбирда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилотининг жануби-шарқий Европа, Болтиқбўйи давлатлари, МДҲ ва Марказий Осиё давлатларининг ҳудудий директори Филипп о Брайн, ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё бўйича директори Филипп Хейфинг ва ушбу ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Бренде Виго иштирок этишди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ЁШ БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент шаҳридаги 70-мактабда "Конституция билимдонлари" мавзусида синфлараро мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақада 9-"А", 9-"Б", "9-"В", 9-"Г", 9-Д" синф ўқувчилари ўзаро беллашдилар.

Беллашувда синфлар ўз гуруҳларини "Адолат", "Ёш ҳуқуқшунослар", "Фемида", "Қалқон", "Ҳуқуқ тарафдорлари" деб номладилар ва бешта шарт бўйича ўз маҳоратларини, билимларини намоён этдилар.

Беллашувга мактаб катта ўқитувчилари Фотима Шарипова, Акром Каримов ҳамда ёш мутахассислар— Назокат Қаландарова, Музаффар Эгамбердиевлар бошчилик қилдилар.

Шартлар учун берилган ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, билимдонлигини намойиш қилган 9-"А" синф ўқувчилари ғолибликни қўлга киритдилар.

Гулзода БОЙМУРОДОВА,
талаба

КОНСТИТУЦИЯ, ДЕМОКРАТИЯ ВА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 10 йил тўлай деб қолди. Янги аср, янги минг йилликнинг дастлабки иш кунларидан бирида— 2001 йилнинг 4 январи куни Ўзбекистон Президентининг Конституция тарғибини кучайтиришга қаратилган Фармойиши имзоланганини яхши биламиз. Демак Асосий Қонунимизни ўрганиш, ўнинг моддалари моҳиятига етиш, бу энг мўътабар ҳуқуқий манба фуқаро сифатида ҳар биримизга қандай ҳуқуқ ва эркинликлар бериши, шу билан бирга, зиммамизга муайян масъулиятлар ҳам юклашини англаш— муттасил давом этадиган жараён.

Шу нарса аниқки, бугун Конституцияни яхши билмасак, мамлактимизда изчил амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳиятини тўла тушуниш ҳам, Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган етти устувор йўналиш мағзини чақиш ҳам, қолаверса, миллий маънавиятимизни юксак даражага кўтариш вазифасини бажаришда иштирок этиш ҳам қийин кечади.

Шунинг учун Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимиз бўйлаб ўтказаётган маънавий-маърифий тадбирлар мажмуи айнан "Конституция, демократия ва миллий маънавият" мавзуига бағишланди.

Республика бўйича беш тарғибот-ташвиқот гуруҳи тузилди. Уларга таниқли зиёлилар жалб қилинди. Маърузачилар орасида сиёсатшунослар, файласуфлар, маънавиятшунослар, шоир ва ёзувчилар бор.

Яқинда Тошкент, Сирдарё, Жиззах, шунингдек, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида бўлган икки гуруҳ сафардан қайтди. Вилоят миқёсидаги тадбирларда барча шаҳар ва туманлар вакиллари қатнашди, шунингдек, Қибрай, Гулистон, Конимех, Вобкент туманларида, Жиззах, Навоий, Каттақўрғон, Зарафшон шаҳарларида алоҳида-алоҳида тадбирлар ўтказилди.

Бугун Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг уч гуруҳи Фарғона водийси вилоятларига, Қашқадарё ва Сурхондарёга, шунингдек, Хоразм ва Қорақалпоғистонга жўнаб кетди.

Мурод ҲОШИМОВ

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИНГ ЗУККО ВОРИСЛАРИ БЕЛЛАШДИЛАР

Reportaj

"ОЛТИН МЕРОС"ДАН "АЛПОМИШ"ГАЧА

"Олтин мерос", "Мерос", "Эъзоз", "Янги авлод", "Камолот", "Турон", "Зарафшон", "Алпомиш", "Ҳумо", "Муаррих", "Ҳунарманд" — булар Республика таълим марказида шу йилнинг 21-22 ноябрь кунлари бўлиб ўтган "Аждодлар мероси" танловининг якуний республика босқичида иштирок этган жамоалар номлари. Мамлакатимизда кекса фуқароларга давлат ва жамият томонидан диққат-эътиборни ошириш, жамиятни тубдан ўзгартиришда, соғлом авлодни тарбиялашда, бой касбий ва ҳаётий тажрибани, эзгу анъаналар ҳамда маданий қадриятларни ёшларга етказишда кексаларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш, ёшларни ота-оналар ва кексаларни иззат-ҳурмат қилиш, қадрлаш ҳамда уларга ғамхўрлик қилиш руҳида тарбиялаш, таълим бериш тизимини такомиллаштириш мақсадида ўтказилган ушбу танлов "Қарияларни қадрлаш йили"га бағишлангани билан аҳамияттлидир. Вилоят босқичларида ғолиб чиққан жамоаларнинг номланишиёқ ёш авлоднинг аждодлар меросига, уларни бизгача етказиб келган қарияларимизга бўлган чуқур ҳурмати, эҳтиромидан дарак бериб турибди.

РТМда бўлиб ўтган танловда Наманган вилоятидан бошқа барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келган жамоалар баҳс олиб бордилар.

БИРИНЧИ КУН ТААССУРОТЛАРИ

Танловнинг биринчи куни жамоалар дастлабки уч шарт бўйича баҳс олиб бордилар.

Биринчи шарт — жамоалар танишуви (шаҳар, туман, қишлоқ, маҳалла, мактабга танлов мавзуси бўйича таъриф бериш).

Буюк аждодларимиз қолдирган маънавий мерос, боқий қадриятлар, миллатимизга хос анъаналар, урф-одатлар уйғунлиги акс эттирилган саҳна кўриниши тимсолидаги танишув шартини Фарғона вилояти, Бағдод туманидаги 10-мактабнинг "Олтин мерос", Бухоро шаҳридаги 6-мактабнинг "Мерос", Андижон вилояти, Жалолқудуқ туманидаги 22-ихтисослашган мактабнинг "Янги авлод" жамоалари юқори савияда намойиш этдилар.

(Давоми 3-бетда)

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН УНИВЕРСИТЕТ

Ўзбекистон Республикаси тараққиёти йўлида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний қадриятларига ҳамда ҳозирги замон маданияти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукаммал таълим тизимини барпо қилиш, яъни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тўлиқ тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "...ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир".

Мана шу йўналишдаги ишларни амалга оширишда ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибаларга асосланган ҳолда, олий таълим тизимини тўлақонли ташкил этиш ва ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган бир қатор қонуний, ҳуқуқий — меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Чунончи, 1992 йилда Президентимиз томонидан Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти ҳамда республика рус тили ва адабиёти институти негизида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини ташкил қилиш бўйича Фармони эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, ушбу фармон университет фаолиятини тубдан, замонавий талабларга монанд ташкил этишда асос бўлди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида эндигина дунёга бўй кўрсатаётган бир паллада, ушбу университетнинг ташкил этилганлиги юртимизнинг ривожланган кўплаб хорижий мамлакатлар билан халқаро алоқаларини кенг кўламда йўлга қўйиш ва уни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиши катта аҳамиятга моликдир.

Фармонга асосан Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди. Унда янги шаклдаги олий таълим муассасасининг фаолият соҳалари, мақсад-вазифалари аниқ равшан белгиланди. Унинг намунавий таркиблари, ўқув, илмий, тарбия жараёнларига тегишли меъёрлар, чет тилларни ўзлаштириш сифатини назорат қилиш, талабалар ва мутахассисларнинг билимига баҳо беришда таълим жараёнига синов амалиётини жорий қилиш, кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлашга оид тегишли вазифалар, меъёрий-услубий кўрсатмалар белгилаб берилди.

(Давоми 4-бетда)

Бугун мактаб партасида ўтирган ўқувчини қуруқ гап билан ўқитиб бирон мақсадга эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффаққияти, энг аввало, юрт фуқароларининг ҳуқуқий билимларни қанчалик чуқур ва пухта эгаллаши билан ғамбарчас боғлиқдир.

НАТО: ҲАМКОРЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ОЧИҚЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу ўринда Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари билан НАТО ўртасидаги ҳамкорлик бир томонлама манфаатдорликка асосланмаганини таъкидлаш жоиз. НАТО минтақасидаги барқарорлик маълум даражада бизнинг минтақамиздаги барқарорликка таянади. Яъни, айри ҳолда ҳеч бир минтақа ё мамлакат ўзини хавф-хатардан батамом холи ҳисоблай олмайди. Маълумки, Ўзбекистон ташаббуси ва Марказий Осиё мамлакатлари қўшма саъй-ҳаракатлари билан БМТ Бош ассамблеяси томонидан минтақамизда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисида резолюция қабул қилинган. Мазкур ташкилотнинг оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги қарори ҳам бор. Барча давлатлар томонидан ана шу ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш ҳам бизнинг НАТО билан ҳамкорлигимизда муҳим йўналишдир.

Мамлакатимиз раҳбари буни қўйидагича изоҳлади. Бугунги кунда террорчилар кимёвий, биологик, ядровий қуроллар ва юқори технологик ишланмаларни қўлга киритишга интилмоқда. Демак, бундай хавфнинг олдини олиш борасида минтақамиз мамлакатларининг НАТО билан ҳамкорлигини кенгайтириш жуда муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

«Ҳамкорлик, хавфсизлик ва очиқлик» шиори остида ўтган Прага саммитида террорчилик муаммоси қаторида бошқа муҳим масала ҳам кўриб чиқилди. НАТО мамлакатлари яна 7 давлат - Латвия, Литва, Эстония, Болгария, Словакия, Словения ва Руминияни ташкилотга аъзо бўлишга расман таклиф этди. Келаси икки йил ичида НАТО аъзолари сони 26га етади. Шу муносабат билан Бош котиб Ж.Робертсон саммитни тарихий воқеа, деб атади. Чунки ташкилот ўзининг ярим асрдан ортиқроқ тарихи давомида бунчалик кенгаймаган. Демакки, бундай улкан хавфсизлик зонасини яратмаган: НАТО минтақаси яна 593 минг квадрат километрни ўз ичига олмоқда.

Бош котиб Прага саммити алянс аъзолари ҳам шериклари XXI асрда халқаро хавфсизликнинг самарали тизимини яратишда фаол ҳамкорликка тайёр эканлигини яна бир карра исботлаганини таъкидлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айни пайтда НАТОнинг кенгайиши ҳеч бир давлатнинг миллий хавфсизлигига дахл қилмайди. Буни қабул қилинган қарорлардан ҳам кўриш мумкин. Келаси йилларда Шимолий Атлантика алянсининг ҳарбий салоҳияти ислоҳ этилиб, кўмондонлик тузилмаси такомиллаштирилади. Ҳарбийлашган қўмита ва бошқа тузилмалар ҳам анча қисқартирилади.

«Совуқ уруш» тугагани, аммо халқаро террорчилик, диний экстремизм ва миллий айирмачилик каби балолар таҳдид солаётгани НАТОни ҳам янги замонга мослашишга ундамокда. Ташкилот ҳузуридаги қўшинларнинг шахсий таркибини қисқартириш ва халқаро тезкор ҳаракат кучларини тузиш тўғрисидаги қарор ҳам НАТОнинг янги даврга мослашаётганидан далолатдир.

Ислом Каримов ҳар бир мамлакат ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, суверенитетини ҳимоя қилиш учун халқаро ҳуқуқ меъёрларига таянган ҳолда ўзининг мудофаа доктринасини ишлаб чиқишга ҳақли эканлигини кўп таъкидлаган. НАТО сафини кенгайтиражак мамлакатларга нисбатан ҳам шу нуқтаи назардан туриб ёндашиш керак. Уларнинг мақсади ҳамкорлик орқали хавфсизликка эришишдан иборат эканлиги равшан.

Нафақат улкан ҳарбий салоҳият, балки илм-фан, технология, демократик институтларни ривожлантириш ва кўплаб бошқа соҳаларда катта имкониятларга эга НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури ҳамда Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида муносабат қуриш Ўзбекистоннинг ҳам манфаатларига мосдир. Янги замон талабларига муносиб жавоб бераётган мамлакатлар сафида бўлиш янгича таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш ё уларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга. Умумлаштириб айтганда, халқаро террорчиликка қарши фақат ҳамжиҳатликда курашиш, хавфсизлик ва барқарорликни фақат ҳамжиҳатликда сақлаб туриш мумкин. Демак, Президентимиз айтганидек, «Ўзбекистон бундан буён ҳам НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзининг собит йўлига амал қилаверади ҳамда хавфсиз ва барқарор дунёни шакллантириш ишига ўз ҳиссасини қўшаверади».

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Прага-Тошкент.

Olimpiada: quyi bosqichda

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ НИЗОМ АСОСИДА ЎТДИ

Йилдан йилга истеъдодли ёшларнинг кўпайиб бориши қувончли ҳолдир. Бу жараённи, яъни умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадаларини янада такомиллаштириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 24 октябрдаги 161-сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил 24 октябрдаги 304-сонли қўшма ҳайъат қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Низом қабул қилинган эди. Мазкур Низом асосида республика таълим Маркази томонидан олимпиадаларни ўтказиш юзасидан методик тавсиялар ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Хўш, бу борада жойларда қандай ишлар амалга оширилди? Биринчи босқич олимпиадалари қандай ўтказилди? Низом ва тавсияларга тўла амал қилиндими? Халқ таълими ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларни ўрганиш мақсадида РТМ ходимлари Фарғона, Андижон вилоятларида ва Тошкент шаҳрининг қатор илм масканларида бўлишиб, олимпиаданинг ташкил қилиниши, ўтказиш жараёнини ўргандилар ва уларга методик ёрдам кўрсатдилар. Натижада Андижон вилоятининг барча жойларида, айниқса, Избоскан туманидаги 20-мактабда янги таҳрирдаги Низом асосида ишлар ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Олимпиада буйруқлари, қарор, буюртма, ҳисобот, тестлар ва ёзма ишлар Низом асосида олиб борилиб баҳолаш мезонларига риоя қилинган.

Шунингдек, Фарғона вилоятидаги иқтидорли ўқувчилар олимпиада заҳиралари махсус илмий тадқиқот мактабида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Худди шундай ижобий ишларни Тошкент шаҳрининг Юнусобод, Ҳамза, А.Икромов туманлари фаолиятида ҳам кузатишимиз мумкин. Ҳамза туманидаги 152- мактаб фан олимпиадаси қатнашчиларини руҳлантирувчи шиор, турли хил плакатлар билан безатилган. 155-, 161-, 166-мактабларда эса тест синовлари компьютерда ўтказилганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Шунингдек, Мирзо Улуғбек, Ҳамза туманлари мактабларида 5-8 синф ўқувчилари ўртасида ҳам кичик фан олимпиадалари ўтказилган.

Афсуски, юқорида қайд этилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, Сирғали туманидаги 268-сонли мактабда тарих, иқтисод фанларидан олимпиада ўқитувчиларнинг касаллиги туфайли 10-11 синфларда ўтказилмаган. Чилонзор туманидаги 162- мактабда олимпиада материаллари ўқитувчилар томонидан тайёрланиб, метод бирлашма томонидан кўриб чиқилгандан сўнг фойдаланишга тавсия этилган. Ваҳоланки, Низомда кўрсатилганидек, олимпиада материаллари жойларга туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан етказилиши зарур эди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жойларда ўтказилган фан олимпиадаларининг I босқичи энг асосий беллашув бўлиб ҳисобланиши ва барча мутасадди ташкилотлар ҳамда раҳбарлар жавобгарлик ҳисси билан ёндашмоқликлари керак эди.

Ўғилой ЮСУПОВА,
Акромжон УЗОҚОВ,
РТМ умумий ишлар бўлими ходимлари

БОЛАЛАРГА САДҚА БЎЛСИН ЖОН

Saxovat

Муборак Рамазон ойида ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар, қўли очиқ инсонлар томонидан, кам таъминланган оилаларга, меҳрибонлик уйларига меҳр-мурувват кўрсатишнинг савоби чексиздир.

Ана шундай саховат яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Гулистон Давлат университети томонидан ушбу шаҳардаги 27-сон меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 102 нафар болаларга кўрсатилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи Муҳаммадали Саидов меҳрибонлик уйига компьютер технологиясини топширган лаҳзалар болажонларнинг ёдларида бир умр сақланса керак.



— Биз тарбияланаётган бу масканга компьютер топширилганидан жуда хурсандмиз. Бунга жавобан аъло ўқишимиз керак, — деди сўзга чиққан 7-синф тарбияланувчиси Луиза Бектоева.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори Қадамбой Жуманиёзов болажонларга қиймати 1 млн. сўмлик иссиқ оёқ кийимларини топширди.

Гулистон Давлат университети ректори Азим Парпиев 600 минг сўмлик кийим-кечакларни ушбу масканга тақдим этди.

— Беғараз саховатдан мамнунмиз. Бу мени, барча ўқитувчиларни ва болаларни руҳлантириб юборди. Бизнинг доимий ҳомийларимиз томонидан ҳар йили кўрсатилаётган мурувват таълим-тарбия ишига нисбатан масъулиятимизни янада оширади, — деди меҳрибонлик уйи раҳбари Светлана Давлетова.

Яқинда Москвада халқаро фестивалга қатнашиб келган меҳрибонлик уйи ансамбли ҳаваскорлари томонидан намойиш қилинган концерт дастури тадбир иштирокчиларида илиқ таассурот қолдирди.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ

Суратда: болаларга совғалар топширилаётган пайт акс эттирилган.

КОНСТИТУЦИЯ ВА БИЗ

Maktablar hayotidan

Яқинда мактабимизда Конституциямизнинг 10 йиллигига бағишланган ҳуқуқий билимлар ҳафталиги ўтказилди. Ҳафта давомида барча синфларда тарбиявий соатлар, викториналар, кўрик-танловлар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари билан учрашувлар уюштирилди.

Бошланғич синф ўқитувчилари дарс жараёнида ҳамда дарсдан ташқари тадбирларда юрт ободлиги, фаровонлиги — халқнинг куч-қудрати, саховатпешалиги туфайли юзага келиши тўғрисида тушунчалар беришиб, жажжи қалбларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддалари билан бирма-бир таништириб бордилар. Ўқитувчи Р.Ўрунова томонидан 3-синфларда ўтказилган "Конституцияни ўрганамиз", ўқитувчи М.Толибова томонидан 5-синфларда ташкил қилинган "Қомусимиз —номусимиз" мавзусидаги тарбиявий соатларда ўқувчилар Конституция моҳиятига боғлиқ тушунчаларни, ҳуқуқий терминларни ўрганиш ҳамда унга оид саволларга жавоб бериш ҳаракатида бўлдилар. Ёш ўқитувчи Н.Низомова раҳбарлигида 8-синфларда ташкил этилган тарбиявий соатлар ҳам ўзига хос тарзда ўтди. Унда ўғил-қизлар ўз билимларини намоён қилиш билан бирга Ўзбекистонда янги Конституцияни қабул қилиш зарурияти, Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидан ўтказилгани ва унинг тарихий аҳамияти тўғрисида жуда кўп маълумотларга эга бўлишди. Изланувчан муаллима Ш.Ҳамдамова бошчилигида ўтган "Ҳуқуқини таниганнинг йўли равондир" деб номланган тадбирда 9-синф ўқувчилари ўртасида Ўзбекистон Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳақида батафсил фикр юритилди. Тадбир якунида шундай хулосага келинди: Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама ривожлана бориши, гуллаб-яшнаши, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мувафаққияти, энг аввало, юрт фуқароларининг ҳуқуқий билимларни қанчалик чуқур ва пухта эгаллаши билан чамбарчас боғлиқдир. Фидойи муаллима Н.Холиқулова ташаббуси билан ўтказилган "Ҳуқуқ — ҳаёт мезони" номли тадбирда ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари 8-синф ўқувчилари билимларини синаб кўришди ва уларга фуқароларнинг бурчи ва масъулияти, ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида кўплаб маълумотлар беришди. "Ҳуқуқ — адолат мезони" мавзуидаги давра столи шаклида уюштирилган суҳбатларда 10-, 11-синф ўқувчилари мазкур Конституциямиз ҳар қандай етакчи мамлакатлар Конституцияларидан қолишмаслигини қиёслашлар асосида исботлаб беришди. "Конституция ва биз" мавзуидаги "Қувноқлар ва зукколар" баҳсида эса 11-"А" ва 11-"Б" синф ўқувчилари ўзларининг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамладилар. чунончи, улар Конституциямизнинг ўзига хос хусусиятларига, Давлат суверенитети, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кафолатлари, фуқароларнинг бурчлари бобларига алоҳида тўхталдилар.

Жамила ШАРИПОВА,
Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги 5-мактабнинг олий тоифали тарих фани ўқитувчиси

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

РЕЙТИНГ ТИЗИМИГА ЎТИШДАН МАНФААТ БОРМИ?

ушбу саволга ўқув-семинарида жавоб топилди

Саволлар: Андижон вилояти, М.Юсупов ва Ғ.Норовлардан

1. Илмий бўлим мудирининг дарс ставкаси чегаралангани-ми? У ҳолда неча соат бўлади?

ЖАВОБ: Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг дарс ўтиши халқ таълими бўлимлари рухсати билан дарс соатларининг ҳажми, ушбу мактабда ўқитувчига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб дарс соатларини ўтиш сифати ва мазмунига қараб белгиланади.

2. Педагогикага алоқаси бўлмаган институтни тугатган шахс ўрта маълумотли ҳисобланадими? Мактабда ишлаши мумкинми?

ЖАВОБ: Педагогикага алоқаси бўлмаган, бироқ институтни тугатган шахс ўрта маълумотли ҳисобланмайди.

Уларнинг мактабда ишлаш, ишламаслиги туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг рухсати орқали амалга оширилади ва бунда мактабдаги фанларнинг унинг ихтисосига тўғри келиш келмаслигига боғлиқ.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси бош мутахассиси

Чирчиқ шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабида Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги туман, шаҳар халқ таълими бўлими ДТСМБ раҳбарлари, услубият хонаси мудирлари, мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари иштирокида "Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражасини баҳолашда кўп баллик рейтинг тизимига босқичма-босқич ўтиш" мавзусидаги ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, халқ таълими вазирлиги ўқувчилар билимини кўп баллик рейтинг тизими асосида баҳолаш босқичма-босқич амалга оширилиши тўғрисида қарор қабул қилган эди. 2002/2003 ўқув йилининг 1-чораги якунланиб, 2-чораги бошланибдики, ўқув тарбия ишлари жараёнида бу соҳада жуда кўп муаммолар муаллимларни қийин аҳволга солиб қўйди. Айрим саволларга жавоб топиш, уни ҳал этиш масалалари навбатдаги ўқув семинарини ўтказишни тақозо қилди. Семинар иштирокчилари ҳузурида Халқ таълими вазирлиги Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи А. Калонтаров "Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражасини баҳолашда кўп баллик рейтинг тизимига босқичма-босқич ўтиш" мавзусида амалий-мунозарали машғулот олиб борди.

"Рейтинг тизимига ўтиш ўқувчига, ота-она ва ўқитувчига нима беради?", "Рейтинг асосида ўқувчи билимини баҳолашдаги камчиликларни бартараф этиш мумкинми?", "Бу усул ўқитувчини ҳисоб-китоб билан шуғулланиб қолишига мажбур қилмаятими?", "Аълочи ўқувчи билан паст ўзлаштирувчи ўқувчи ўртасидаги баҳолаш мезонида тартиб бузилмаяптими?", "Ўқувчини мажбурлаб ўқитиш қолипидан чиқиш йўллари", "5" баллик баҳолаш усули ютуқ ва камчиликлари" каби саволлар кўпчилик муаллимларни қийнаб қўйган эди. Бугун мақоламизда семинар машғулоти давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида Халқ таълими вазирлиги ДТСМБ бошқармаси бошлиғи А. Калонтаров: "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув тарбия ишлари янги босқичга кириб боряпти. Давр ўзгараяпти. Ёшлар ўсяпти. Бугун мактаб партасида ўтирган ўқувчини қуруқ гап билан ўқитиб бирон мақсадга эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти. Уларнинг билимли, саводхон бўлиб тарбияланиши учун янги, замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш тизимини яратиш ва жорий этиш шу куннинг долзарб муаммосига айланмоқда.

Собиқ иттифоқ даврида онгимизга сингиб кетган "5" баллик баҳолаш усули ДТС талабларига мос келмай қолди.

Шунинг учун ҳам 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб 1-4 синф ўқувчилари БКМ (билим, кўникма, малака)лари рейтинг тизимида баҳолаш жорий этилди.

Хўш, рейтинг тизимига ўтишдан мақсад нима? Кўпчиликни қизиқтираётган бу масалага оддий жавоб бериш мумкин. Кўп баллик баҳолаш тизими рақобатни кучайтиради. Шу вақтгача мактабларда ўқувчи билимини баҳолашда оддийликка эътибор бериларди. Айтайлик, бир синфда 20 нафар ўқувчи ўқийди. Шунлардан 5 нафари аъло, 7 нафари яхши, 5 нафари бўш ўзлаштирувчи, 3 нафари айтиш жоиз бўлса, "2" баҳога зўрма-зўраки ўзлаштирувчи ўқувчилар деб қараларди. Хоҳлайсизми йўқми, юқоридаги рақамли баҳолаш автоматик равишда давом этиб кетаверарди.

Мисол учун, аълочи ўқувчининг фаоллиги, тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги унинг "5" баҳо олишига асос бўлиб хизмат қилаверарди. Паст ўқувчига эса муносабат ўзгача тусда бўлаверади. Бу ҳолатлар ҳали ҳам давом этаётганидан кўз юммаслигимиз керак. Жамоатчилик ҳаётидаги ўрни фанлардан олаётган баҳоларига таъсир кўрсатмасди. Ўқувчининг ҳаракати, қизиқиш доирасига кам эътибор қаратиларди.

Кўп баллик рейтинг тизимида, ўқувчига катта манфаат бор. Бир ўқувчи бир йўла 10-12 та фанни ҳеч маҳал ўзлаштиролмаслиги тайин. Бунинг имкони ҳам йўқ. Бироқ Президентимиз таъкидлаганларидек: "Ёшларимиз орасида умуман қобилиятсиз ўқувчининг ўзи йўқ" деган ҳикматли гаплари ўз исботини топаяпти. Қандай қилиб дерсиз? "5" баҳога ўқиётган ўқувчи расм дарсида бирор портретни чизолмаслиги табиий-ку. Сабаби, унда шу фанга мойиллик етарли эмас. Бироқ, аниқ фанлардан паст ўқиётган ўқувчида санъатга, мусиқага, рассомликка қобилият кучли. Ўқувчиларимиз орасидан Навоий, Бобур ва бошқа тарихий алломаларнинг расмларини бемалол чизиб бера оладиганлари борлигини кўряпмиз-ку. Шубҳасиз, рейтинг усулида бу ўқувчи энг юқори баллни олиши турган гап. Мана аълочи ўқувчи билан бўш ўзлаштирувчи ўқувчи ўртасидаги тафовут баллари. Яна бўш ўқийдиган ўқувчининг баллари ортиб кетаяпти дейишга асос борми? Замон, давр ўқувчи БКМларини холис баҳолаш талабини қўяётгани сир эмаску, ахир?!

Давлат таълим стандартлари талаби ўқувчининг БКМларини минимал балл ҳисобида баҳолайди. Рейтинг тизимида баҳолаш мезони 0 баллдан 3 баллгача белгилаб қўйилди. Кўпчилик муаллимлар ўқувчиларнинг баллари 100 фоиздан ортиб кетаётганидан хавотирга тушяптилар. Хавотирга ҳеч ҳам ҳожат йўқ. Бу бўлиши табиий ҳол. Рақобат ана шунда билинади. Айтиб ўтганимиздек, эндиликда 100 фоиздан ортиқ баллга эга бўлган қобилиятли ўқувчилар билан кучлироқ шуғулланиш даркор. Шундагина ДТС талаблари бажарган бўлади.

Биз қувонч билан айтишимиз мумкин ресупубликамиз таълим соҳасида биринчилардан бўлиб Давлат таълим стандартлари жорий этилди. Стандарт ўқувчига маълум билим, кўникма, малакани беришни белгилайди.

Баъзи бир ўқитувчилар дарс ўтиш ўрнига ҳисоб-китоб билан шуғулланиб, вақтларини ютқазаётганликларидан нолишаяпти. Қуюнишнинг асло кераги йўқ. Изланган, интилган муаллим ишлашга имкон топади. Бунинг йўллари кўп.

Она тили дарсини олайлик. Сиз "От сўз туркуми" мавзусини ўтмоқчисиз. Мавзуни ўтишда ўқитувчи "А" ва "Б" блоклар усулида дарс ўтишни режалаштиради. Ана шунга балл белгилайди. "А" блок ўқувчи мажбурий билиши лозим бўлган мавзу, "Б" блок эса ўқувчи ихтиёрий ўрганиши керак бўлган мавзу. Шу ўринда ўқувчини мажбурлаб ўқитиб бўлмаслигини уқтириб ўтмоқчимиз. Бунинг учун ўқувчини ҳаракатга келтириш, қизиқтириш, психологиясини ўрганиш керак. Дарс ишланмаси қуйидагича тақсимланади:

1. От сўз туркуми қоидаси.
2. От сўз туркумининг гапдаги ўрни.
3. От сўз туркумининг эгалик ва келишик қўшимчалари билан қўлланилиши ва вазифалари.
4. От сўз туркумининг аҳамияти.

Ҳеч шак-шубҳа йўқки, юқоридаги савол ёки режани кўрган ўқувчи керакли балларни тўплаш учун жавоб беришга ҳаракат қилади. Ўқувчилардан баъзилари қоидани тўлиқ биладиларю, эгалик-келишик қўшимчалари ҳақида камроқ билимга эгалиги ойдинлашади. Ва бундай ҳолатда ўқитувчи ўқувчи билимини рейтинг асосида баҳолашга имкон топади. Қоидани тўлиқ билган ўқувчига энг юқори 3 балл, ўртача билимга эга бўлганларига эса 0 баллдан 1,2 баллгача қўйилади. Буларни тахминий мисол тарзида айтяпмиз.

Jarayon

МСТИлари бўйича ўтказилаётган назорат ишлари ҳам махсус тузилган жадвал асосида баҳолаб борилади. Эркин, ижодий, оралиқ, тўлдирувчи балларга ҳам ижодий ёндошувчанлик муҳим рол ўйнайди. Ёзма ишда ўқувчининг хуснихати, ҳарфларни тўғри ёза олиши, сўз ва гап тузилмаларидан фойдаланиши, оғзаки, ёзма фикрлаш қобилиятлари алоҳида-алоҳида ҳисобга олиниб баҳолаб борилади. Тўпланган баллар 1, 2, 3-даражали кўрсаткичлар билан белгиланади. Ўқувчининг ўқув йили чорак якунида табелига БКМ си бўйича эгаллаган фоизи ва ўрни ёзилади, холос.

Бундай ишларимизнинг барчасида, албатта, ўқувчига имконият бериш тақозо этилади. Мисол учун бир синфда 30 нафар ўқувчи ўқийдиган бўлса, уларнинг ҳар биридан чорак давомида 6-7 марта ўрганилган мавзулар бўйича савол-жавоб ўтказишга эришилиши керак. Бу ДТС талаблари бўйича 100 фоизга ўзлаштирган ўқувчигина дастурни ўзлаштирган ҳисобланади.

Зотан, таълим тайёргарлиги даражасини баҳолашда кўп баллик рейтинг тизими юқоридаги каби афзалликларга эгалиги билан қизиқарли. Биз ёшларни жаҳон андозаларига мос ҳолда ўқитишимиз, тарбиялашимиз зарур. Рейтинг усули бунга йўл очади.

Уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ўтказилган ушбу ўқув-семинаридан вилоят маорифчилари ўзларини қизиқтираётган ва билишни хоҳлаган масалаларга етарли жавоблар олдилар. Бундан буён улар рейтинг борасида ўрганган билимларини ўз иш тажрибаларида қўллаб боришларини билдирдилар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янгилик ривожланаётган мамлакатимиз таълим соҳасида катта бурилиш ясашга имкониятлар очаяпти. Бу соҳада яна қандайдир ечимини кутаётган муаммолар учраб қолиши табиий, албатта. Ўйлаймизки, кенг сонли маорифчиларимиз ўз таклиф-мулоҳазалари ва тажрибаларини биз билан баҳам кўришади.

Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ,
журналист

Танлов низоми бўйича ушбу шартга энг юқори — 5 балл бўлгани ҳолда ҳакамлардан бири "6" рақами ёзилган кўрсаткични кўтарганида, зал олқишларга тўлиб кетди.

Имкониятлар маркази бошқа марказлардан болалар юрагида мактабга меҳр уйғотиш хусусияти билан ҳам фарқ қилади.

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИНГ ЗУККО ВОРИСЛАРИ БЕЛЛАШДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иккинчи шарт — жамоалар ўзлари тайёрлаган бадиий-ижодий кўргазмани ҳимоя қилиш.

Ҳакамлар ҳайъати вилоятларнинг ўзига хосликлари инобатга олиниб, ҳунармандлик, зардўзлик ва бошқа боқий қадриятларимиз, давом этиб келаётган анъаналаримиз намойиши ўлароқ тайёрланган кўргазмаларни синчиклаб ўрганиб, кузатиб чиқишди. Бу шарт бўйича Тошкент шаҳри Акмал Икромов туманидаги 295-мактабнинг "Олтин мерос", Бухоро шаҳридаги 6-мактабнинг "Мерос", Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 6-мактабнинг "Эъзоз" жамоалари тайёрлаган кўргазмалар энг юқори баллга сазовор бўлди.

Учинчи шарт — ҳайъат аъзолари томонидан тайёрланган "Буюк сиймолар" ҳаёти ва ижодига доир саволларга жавоб бериш.

Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Мотуридий, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Форобий ва бошқа шу каби буюк боболаримиз ижоди, ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ саволларга (ҳар бир жамоага учтадан савол) ўқувчи-ёшлар иштиёқ билан жавоб беришди. Андижон вилояти, Жалолқудуқ туманидаги 22-ихтисослашган мактабнинг "Янги авлод", Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 1-лицейнинг "Камолот", Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 13-мактабнинг "Зарафшон" жамоалари аъзолари буюк сиймолар ижоди, Ватанимиз тарихини чуқур билишларини намойиш этган бўлсалар, Фарғона вилояти Боғдод туманидаги 10-мактабнинг "Олтин мерос", Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги 6-мактабнинг "Эъзоз", Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 5-мактабнинг "Турон", Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 9-мактабнинг "Алпомиш" жамоалари вакилларига тушган саволлар бироз қийинлик қилди.

Иккинчи кун

22 ноябрь куни тўртинчи ва бешинчи шартлар бўйича жамоалар тайёрлаб келган чиқишлар намойиш этилди.

Тўртинчи шарт — ота-оналар ҳамда кексаларни иззат-хурмат қилиш, қадрлаш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш мавзусида саҳна кўриниши.

Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Хоразм, Бухоро вилоятлари вакиллари намойиш этган саҳна кўринишлари танлов шарти талабларига мослиги, юқори ижрочилик маҳорати билан ажралиб турди. Айниқса, Боғдод туманидаги 10-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Қобилжон Мўминов ролга киришиб кетганидан бошини саҳна деворига уриб олаёзганида, томошабинлар беихтиёр қарсак чалиб юбордилар.

Бешинчи шарт — жамоа сардорлари беллашуви (эркин жанр).

Ушбу сўнгги шарт бўйича барча жамоа сардорлари ўз иқтидорларини намойиш этиб, ҳақиқий сардор эканликларини исботладилар. Айниқса, Самарқанд, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари етакчиларининг чиқишлари томошабинлар ва ҳакамлар таҳсинига сазовор бўлди. Урганч шаҳридаги 21-ихтисослашган мактабнинг "Муаррих" жамоаси сардори "Лазги" рақсини шундай бир маҳорат билан ижро этдики, танлов низоми бўйича ушбу шартга энг юқори — 5 балл бўлгани ҳолда ҳакамлардан бири "6" рақами ёзилган кўрсаткични кўтарганида, зал олқишларга тўлиб кетди.

Танлов ғолиблари

Ва ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар етиб келди ҳамда танлов ғолиблари эълон қилинди:

1-ўрин

Бухоро шаҳридаги 6-мактабнинг "Мерос" жамоаси;

Тошкент шаҳри Акмал Икромов туманидаги 295-мактабнинг "Олтин мерос" жамоаси;

Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 22-ихтисослашган мактабнинг "Янги авлод" жамоаси.

2-ўрин

Фарғона вилояти Боғдод туманидаги 10-мактабнинг "Олтин мерос" жамоаси;

Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 1-ихтисослашган мактабнинг "Камолот" жамоаси;

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 13-мактабнинг "Зарафшон" жамоаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманидаги 21-мактабнинг "Мерос" жамоаси.

3-ўрин

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 21-ихтисослашган мактабнинг "Муаррих" жамоаси;

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 3-мактабнинг "Ҳунарманд" жамоаси;

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 1-мактабнинг "Ҳумо" жамоаси.

Рағбатлантирувчи мукофотлар

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 6-мактабнинг "Эъзоз" жамоаси;

Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 9-мактабнинг "Алпомиш" жамоаси;

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 5-мактабнинг "Турон" жамоаси.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Энг яхши иштирокчи"га аталган махсус совғаси Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги 6-мактабнинг 10-синф ўқувчиси, жамоа сардори Соҳиба Раҳмоновага берилди.

Халқ таълими вазири ўринбосари Усмонали Мусаев ғолибларга мукофот ва совринларни топширар экан, шундай истеъдодли, билимдон, зукко фарзандлари бор қишлоқ, туман, вилоят ва давлат келажакда янада тараққий этишини, аждодлар меросига таяниб қилинган саъй-ҳаракатлар ўз мевасини беришини таъкидлади.

Хусан НИШОНОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Суратларда: танловдан лавҳалар.
Суратларни Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган.

ЖАМҒАРМА ЎҚУВ КУРСЛАРИ

"Соғлом авлод учун" халқаро жамғармасининг Андижон вилояти бўлими "Оила ва никоҳ" маркази ҳамкорлигида қандолатчилик, тикувчилик ҳамда либослар бичиш-тикиш курсларига илк тингловчиларни қабул қилди.

"Оила ва никоҳ" маркази ёшларга касб ўргатишни энди бошлади. Ўқиш давомида тингловчилар чақалоқни парваришлаш, ёш келин-куёвлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида маслаҳатлар олишади. Курс тингловчилари бепул тушлик овқат билан таъминланади.

Андижон вилояти,
"Туркистон-пресс"

"ДЕҲИБАЛАНД"ГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Нурота туманидаги "Деҳибаланд" қишлоғида жойлашган педагогик йўналишдаги лицей интернетда 100 нафар ўқувчилар таҳсил олишмоқда. Ушбу ўқув маскани она тили ва адабиёти, физика-математика фанларига ихтисослашган. Айтиш жоизки, 7-синфни тугатган ўқувчилар танлов асосида лицейга ўқишга қабул қилинади. Шу боис барча гуманитар ва аниқ фанлар бўйича ўқувчиларнинг узлуксиз билим олишга интилиши кузатилмоқда. С.Тошева, Л.Боқулова, Н.Рўзиев, Т.Пўлатовлар ўз фанидан астойдил сабоқ бераётгани ҳар йили тест синовлари даврида яққол кўзга ташланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айни кунда кўплаб ўқувчилар фан олимпиадасига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Лицейда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий учрашув ҳам ўтказилди.

Ў. ПЎЛАТ

"ОЛТИН КУЗ" — ҚОЗОҚ ҚЎШИҚЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Тошкент шаҳар қозоқ маданият Маркази Республика Байналминал Маданият марказида ўз фестивалини ўтказди.

Фестивалда Тошкент шаҳридаги ижодий уюшмалар кўнгилли равишда қатнашди. Фестивалнинг муваффақиятли уюштирилишида Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва атоқли эстрада артистлари Урбигул ва Алмагул Суйербаеваларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Қозоқ эстрада қўшиқларини яхши ижро этгани учун Ерлан Алимкуловга биринчи даражали диплом ва Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан махсус совғалар тақдим этилди.

Иккита иккинчи ўринларга "Ақ қу" эстрада ансамбли ҳамда дўмбирачи қизлар гуруҳи (етакчиси Жанар Ашурова), Нурлан Турлыбеков, Жанболат Бектурганов ва Мадина Бексенбаева муносиб кўрилди.

Сапарбой ЖУБАЕВ,
Тошкент шаҳар Қозоқ маданият Маркази раиси

Muammo, mulohaza, taklif

ЁШЛАРДА РАҚОБАТБАРДОШЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ ҚАНДАЙ ТАРБИЯЛАНАДИ?

Кейинги даврда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида юз бераётган туб ўзгаришлар ижтимоий соҳанинг етакчи олимларини, файласуфлар, сиёсатшунослар, социологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, психологлар, тарихчилар, адиб ва журналистларнинг энг пеш-қадам вакилларини мазкур жараёнга жалб қилиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан омилкорлик билан фойдалана билишни тақозо этади. Биз ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги XXI асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам кўзланган мақсадга мувофиқ бўлмоғи даркор. Демак, олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий истиқлол ғояси мазмун-моҳиятини тушуниб етган, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир. Миллий ғурур тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига сингдириш соҳасида ҳар куни эринмасдан тинимсиз иш олиб боришимиз, бу йўлда энг таъсирчан самарали воситалардан фойдаланишимиз шарт.

Бу борада бизда дастлабки амалий қадамлар қўйилди. Фикрларимизнинг тасдиғи ўлароқ, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги халқ таълими бўлими қошида фаолият кўрсатаётган Самарқанд вилояти инсон имкониятлари маркази жамиятимизнинг бу каби эҳтиёжини қондириш йўлида хизмат қилмоқда. Аслида у нодавлат, нотижорат ташкилот бўлиб 2001 йилнинг сентябрь ойидан бери узлуксиз равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказ ўзида йирик моддий-техник, илмий ва интеллектуал салоҳиятни бирлаштирган. Унинг мақсади маънавият, рақобатчилик ва ўсмирларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш орқали фуқаролик жамияти қурилишини жадаллаштиришдир. Имкониятлар маркази болалар онгида умуминсоний қадриятлар ва замонавий тафаккурни шакллантириш, уларда мантиқий ва эркин фикрлаш, хотирани кучайтириш, нотиқлик маҳорати ҳамда етакчилик, бир сўз билан айтганда, рақобатбардошлик фазилатларини тарбиялаш сингари қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ёшларни мақсадли фаолиятга ундаш учун хизмат қиладиган бу жараён уларни касбга йўналтиришга ёрдам берадиган ҳамда ўқувчилар ва устозларнинг эзгу манфаатлари муштараклигини таъминлайдиган қизиқарли, бетакрор машғулотлар тарзида олиб борилмоқда.

Марказида мавжуд бўлган соҳалар етакчилари мактабларини ташкил қилишдан кўзда тутилган асосий мақсадлар:

— ёшларни касбга йўналтириш;

— ўқувчилар тафаккурининг ривожланиши учун имкон яратиш ҳамда улар танлаган касбга доир дастлабки зарур бўлган тушунчаларни эгаллашларига кўмаклашиш;

— иқтидорли болаларда етакчилик фазилатларини ривожлантириш;

— мактаб ташкил қилинадиган соҳаларнинг тараққий этишига ҳисса қўшиш;

— янги иш жойларини яратиш.

ИМКОНИЯТЛАР МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Самарқанд вилояти инсон имкониятлари маркази ўз фаолиятини икки босқичда олиб боради. Биринчи босқичда Самарқанд шаҳрида жойлашган мактабларда таҳсил олаётган 8-9-синф ўқувчиларининг эҳтиёжлари ўрганилади. Улар ўзлари истаган соҳалар етакчилари томонидан ташкил қилинадиган мактабларнинг машғулотларида иштирок этиш учун ўз хоҳишларини билдирадилар. Имкониятлар маркази аъзолари ўқувчилар билан биргалиқда корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказиладиган машғулотларда қатнашиш тўғрисидаги қоида ишлаб чиқадилар. Ундан сўнг болалар ўзлари ёқтирган соҳаларга тегишли корхона, ташкилот ва муассасаларга таклиф қилинадилар. Машғулотлар соҳалар етакчиларининг бевосита раҳбарлиги остида белгиланган дастур асосида ҳар ойда бир марта олиб борилади. Етакчилар ўз мактаблари машғулотлари фаолиятини юритаётган бир пайтнинг ўзида имкониятлар маркази томонидан педагогика ёки болалар қизиққан соҳаларга тегишли олий ўқув юртларида ўқиётган талабалар танлаб олиниб, улардан соҳалар мактаблари мураббийлари (тренерлар) тайёрланади. Шунингдек, янги педагогик технологиялар, дастурлар, китоблар, аудио ва видеоёзувлардан иборат моддий база яратилади. Ҳар бир соҳага тегишли мактаб тингловчилари ичидан алоҳида ажралиб турган ёшларда педагогик маҳорат тарбияланади.

Жараён давомида имкониятлар маркази катта ва кичик гуруҳларда ўтказиладиган турли тадқиқотлар ёрдамида болалардаги қобилият, мақсад, интилиш, қизиқиш ҳамда уларнинг эҳтиёжи ва бошқа омилларни ўрганади. Болалар тўғрисида аниқ маълумотлар тўплангач, улар билан ишлаш жараёни ва услуби аниқланади. Улар иқтидори, маълум бир касбга мойиллиги, қобилияти ва мақсадига кўра турли гуруҳларга бўлинадилар. Таълим технологиясининг замонавий услубларидан воқиф бўлган етук мутахассислар томонидан тестлар, семинарлар, тренинглар, учрашувлар, интеллектуал ўйинлар ва турли хил мусобақалар кўринишидаги ранг-баранг машғулотлар олиб борилади. Ўз навбатида оила хоҳишига кўра болалар ўзлари орзу қилган олий ўқув юртига кириш учун зарур ҳисобланган фанлардан синовдан ўтган мураббийлар томонидан пухта ва кафолатланган тайёргарликдан ўтадилар.

Болаларга Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган хорижий тиллар ва компьютерни ўрганиш, интернетдан фойдаланиш, уларнинг интеллектуал ривожланиши учун кўмаклашадиган муассасалар, марказлар ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар хизматидан фойдаланиш йўллари ҳам ўргатилади. Қобилияти ва истеъдоди билан алоҳида ажралиб турган иқтидорли болалардан эса махсус гуруҳ тузилади. Марказ кўрсатаётган фаолият жараёнидан улар грантлар олиш учун лойиҳалар тузиш, хорижга ўқишга бориш ҳамда ўз хизматини тақдим этиш санъатидан ҳам баҳраманд бўладилар. Шу билан бирга замонавий таълим технологиялари ёрдамида уларда етакчилик фазилатлари шакллантирилади ва ривожлантирилади. Марказ машғулотларида иштирок этадиган ўқувчилар назарий билим олиш билан чекланмайдилар. Улар тижорат корхоналари, ташкилот ва муассасаларга бориб савдо, ишлаб чиқариш, транспорт хизмати учун сарфланадиган харажатларини тежаш мақсадида кўп ҳолларда улар одатдагидек марказлар ёки таълим хизмати кўрсатадиган жойларга бормайдилар, балки таълим хизмати кўрсатадиган марказлар ва муассасалар махсус тадбир ёрдамида "ўз оёқлари билан" болалар олдига келадилар.

Иккинчи босқичда эса соҳаларга тегишли мактабларга Самарқанд шаҳрида жойлашган мактаблардаги барча 8-9-синф ўқувчилари қамраб олинади. Аста-секин фаолият Самарқанд вилоятида жойлашган туманлар ва бошқа вилоятларга ёйилади. Сиртқи ва масофадан туриб ўқитиш шакллари жорий қилинади. Соҳалар етакчилари мактабларининг навбатдаги тингловчилари дастлабки йилда тайёрланган мураббийлардан сабоқ оладилар. Бу жараёнда педагогика сирларини ўзлаштирган истеъдодли ўқувчилар ҳам кўмаклашадилар ва соҳа мактабларини ёйишга яқиндан туриб ёрдам берадилар. Шу йўл билан жараён жадал ривожлантирилади. Мазкур босқичда эса соҳалар етакчилари сараланган аудитория машғулот ўтказадилар ва соҳа мактабини кенг ёйиш учун муҳим ўрин тутадиган малакали мураббийлар сафининг кенгайиши йўлидаги зарур ва муҳим бўлган фаолият билан шуғулланадилар.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Самарқанд вилояти инсон имкониятлари марказининг ҳозирги пайтда олиб бораётган фаолияти натижаси сезиларлидир. Марказ дастлабки фаолиятини Самарқанд шаҳар ҳокимлиги халқ таълими бўлими ва Самарқанд Давлат чет тиллар институти билан ҳамкорликда бошлади. Ҳамкорлик натижаси бўлмиш "Халқаро муносабатлар" мактаби чет тиллар институти базасида жорий қилинди. Мактаб ўз фаолиятини 2001 йилнинг декабрь ойидан бошлади. Унга Самарқанд шаҳридаги ўрта мактабларнинг 8-9-синфларида ўқийдиган ва ўз истеъдоди билан алоҳида ажралиб турадиган, шу билан бирга дипломатия сирларига қизиқадиган 150 нафар ўқувчи жалб қилинди. Ўтган ўқув йилида "Халқаро муносабатлар" мактаби томонидан олиб борилган машғулотлар чет тиллар институтининг ректори, профессор Ю.Абдуллаевнинг бевосита раҳбарлиги остида ҳар ойнинг охирги пайшанбасида институтнинг шинам мажлислар залида ўтказилди. Машғулотларда халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатларда таҳсил олган институт ходимлари, хорижий меҳмонлар ва катта тажрибага эга бўлган маърифатпарвар зиёлилар иштирок этдилар. Амалий машғулотлар эса болаларни кичик гуруҳларга бўлиниб, замонавий техник воситалар билан жиҳозланган аудиторияларда интерфаол усулда ўтказилди.

Илмга чанқоқ болалар ёзги таътилда ҳам шуғулландилар. Ю.Абдуллаев ташаббуси билан ташкил қилинган ёзги лагерда мактаб тингловчилари институтдаги мавжуд шароит туфайли компьютер ва инглиз тилидан ўз билимларини оширишди. Ўқув йили якунида "Халқаро муносабатлар" мактаби машғулотларида фаол иштирок этган 57 нафар тингловчига халқаро андозадаги сертификатлар топширилди.

НАВБАТДАГИ ҚАДАМ

Дастлабки тажриба ва сабоқ натижаларини ҳисобга олган ҳолда эндиликда янги соҳа мактаблари ташкил этилмоқда. Бугунги кунда Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор С.Каримов раҳбарлигидаги "Миллий мафкура" мактаби, Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институти ректори, профессор А.Эргашев раҳбарлигидаги "Ёш олимлар" мактаби, "Парвина" ишлаб-чиқариш савдо компанияси раҳбари А.Абдусаломов раҳбарлигидаги "Тадбиркорлик" мактаби, академик Ш.Воҳидов раҳбарлигидаги "Ёш космонавтлар" мактаби ҳамда публицист ёзувчи Нусрат Раҳматнинг "Ёш қаламкашлар" мактаблари ўз фаолиятларини бошлаш арафасида турибдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, имкониятлар маркази фаолиятини ривожлантиришда Каунтерпарт Консорциум (АҚШ)нинг Самарқанд шаҳрида жойлашган бўлими — "Фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази"нинг ўрни беқиёс. Бўлим томонидан марказ учун етук кадрлар тайёрлаш, тарқатма материалларни чоп қилиш, тадқиқотлар ўтказиш ҳамда интернет хизмати ва компьютердан фойдаланиш учун шароит яратиб бериш борасида кўрсатилган ёрдамни мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу ўринда бир таклифни билдирсам ўринли бўлади, деб ўйлайман. Давлатимиз ва жамиятимизнинг долзарб эҳтиёжини қондиришдек мураккаб вазифа билан шуғулланаётган марказимиз хорижий давлатларда амал қилаётган тажриба — давлат буюртмаси асосида фаолият кўрсатса, у юксак самара билан фаолият кўрсатадиган ва бир неча тармоқлар ва соҳалар равнақи учун хизмат қиладиган муассаса сифатида юртимиз ва халқимиз равнақи учун хизмат қилган бўлар эди. Хуллас, шу мақсадларни кўзлаб Самарқанд вилояти инсон имкониятлари маркази Республикамиздаги илмий-текшириш муассасалари, корхоналар, нодавлат-нотижорат ва жамоат ташкилотлари ҳамда марказларни ҳам ҳамкорлик қилишга чақиради.

А.МАЖИДОВ,
Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими мудири

Янги иш бошлаётган факультетда таҳсил олиш бахтига муяссар бўлган талабаларга асосан хорижлик юқори малакали ўқитувчилар сабоқ беришлари ва ушбу давлатнинг нуфузли университетларида малака ошириб, тажриба алмашишлари режалаштирилган.

Нуқтали расм боланинг бир маромда, диққат, эътибор ва босиқлик билан ишлаш олиш кўникмаларини тарбиялайди.

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН УНИВЕРСИТЕТ

Ғайрат ШОУМАРОВ,
университет ректори, психология фанлари доктори, профессор

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президент Фармонини бажариш борасида биринчи галда ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда БМТ нинг расмий тиллари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг янги концепцияси ишлаб чиқилди ва бугунги кунда шу асосда мутахассис-кадрлар тайёрлаш жараёни изчил амалга оширилмоқда. Таъкидлаш лозимки, ўша даврдаги мавжуд олий ўқув юртида атиги тўртта хорижий тил бўйича мутахассислар тайёрланган бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ва таълим тизимида кўпгина тилларни мукаммал ўзлаштирган ўқитувчилар ва кенг соҳадаги таржимонларга эҳтиёж юқори эди. Ана шуни инобатга олган ҳолда фармонда олий таълим муассасасида кўпгина Европа ва Шарқ мамлакатлари тилларини ўқитишга бирламчи эътибор қаратилди ва айни пайтда университетда йигирма уч тил бўйича таржимон ва ўқитувчилар тайёрланмоқда.

Хуллас, мамлакатимиз фуқароларини жаҳон тилларини эгаллашлари, уларни умуминсоний қадриятлардан баҳраманд қилиш, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан фойдаланишда тил тўсиқларини бартараф этиш, кенгайиб бораётган халқаро алоқаларни юқори малакали таржимон ва мутахассислар билан таъминлаш тизими йўлга қўйилди.

Таъкидлаш зарурки, ўтган ўн йил мобайнида университетнинг салоҳияти ва нуфузи, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштирган олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш имкониятлари кенгайди. Бунда университет қошида фаолият кўрсатаётган 20 га яқин хорижий тил марказларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Янги ўқув йилидан университетда ўзбек-испан халқаро факультетини ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Ушбу факультет халқаро алоқалар бўлимининг Испаниянинг бир қатор олий таълим муассасалари — Гранада, Малага, Алкала де Энарес университетлари билан олиб борган ишларининг меваси. Янги иш бошлаётган факультетда таҳсил олиш бахтига муяссар бўлган талабаларга асосан хорижлик юқори малакали ўқитувчилар сабоқ беришлари ва ушбу давлатнинг нуфузли университетларида малака ошириб, тажриба алмашишлари режалаштирилган.

Университет ҳаётидаги яна бир унутилмас воқеа — 1999 йил 26 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра университетимизда халқаро журналистика факультетининг очилиши бўлди. Бу йўналишда талайгина ижобий ишларни амалга оширдик. Жорий ўқув йилида мазкур факультетни биринчи бакалавр қалдирғочлар тамомлаб, ишлаб чиқаришга йўлланма оладилар.

Университетда магистратура, малака ошириш факультетлари, аспирантура бўлими фаолият кўрсатмоқда. 2001-2002 ўқув йилида 112 нафар магистрант таҳсилни тамомлаб, аксарияти ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашдилар. Шулардан 40 нафар аъло билимларга эга бўлган талабалар университетнинг ўзида иш фаолиятини бошладилар.

Аспирантура 90 нафарга яқин тадқиқотчини ўзида жамлаган. Шунингдек, 8 нафар докторант, 16 нафар стажёр-тадқиқотчи ҳам илмий даража олиш истагида диссертация ёзмоқдалар. Уларга керакли фанларнинг янги йўналишлари ҳақида халқаро миқёсдаги маълумотларни берувчи махсус курслар ташкил қилинган.

Айни пайтда университетда 6010 нафар талаба таҳсил олмоқда. 2002-2003 ўқув йилида 1350 нафар талаба ўқишга қабул қилинган бўлиб, шуларнинг 500 нафари давлат гранти, 850 нафари эса тўлов-шартнома асосида ўқимоқдалар. Магистратура факультетига эса 120 нафар талаба қабул қилинди.

2001-2002 ўқув йилининг натижасига кўра ўтказилган мониторингга асосан, талабаларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси 97,3 фоизни ташкил қилди. Таъкидлаш керакки, университет аълочи талабаларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда ва 2001-2002 ўқув йилида бу соҳадаги кўрсаткич 16,8 фоизни ташкил қилди.

Университетимизда 1 млн. 300 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган тўртта кутубхона ва олтита ўқув зали талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда аспирант, тадқиқотчиларга хизмат қилмоқда. Иккита Ихтисослашган Кенгаш олмон тиллари, умумий тилшунослик, социолингвистика, чет тиллари, рус тили ва адабиёти методикаси мутахассисликлари бўйича фаолият кўрсатмоқда. Кенгашларда ҳар ўқув йилида ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинмоқда. Университет илмий бўлими томонидан бир қатор долзарб мавзудаги илмий-амалий анжуманлар ҳам ўтказилмоқда.

Таълим муассасасида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни аниқлаш иши махсус режа ва Низом асосида олиб борилади. Жорий йилда иқтидорли ёш ўқитувчи ва талабаларимиз халқаро ва республика миқёсидаги кўпгина илмий-назарий семинарларда иштирок этишди. Бугунги кунда талабалар ўртасида ўтказилаётган хорижий тиллар олимпиадаси ҳам янгича тус олиб, унга иқтидорли талабаларнинг иштиёқи сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Ҳозирда университетимизда хорижий тиллар ва халқаро журналистика йўналишлари бўйича 30 га яқин хорижлик мутахассис талабаларга таълим бермоқда. Бундан ташқари, чет эл мамлакатларининг етакчи олий ўқув юртлари (АҚШ, Германия, Испания, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Бельгия, Италия ва бошқалар) билан кенг ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Университетнинг инновация фаолияти 15 га яқин хорижий давлатларнинг тил ва маданият марказлари билан ҳамкорликдаги тадбирлар мажмуасини ташкил этади. Ўтказилаётган турли тадбирларнинг самараси ўлароқ, университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тизими тобора такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг эртанги эҳтиёжидан келиб чиқиб ва университетнинг таълим бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида раҳбарият халқаро-сиёсий шарҳловчи, иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича халқаро журналист, таржимон-референт, маркетинг хизмати асослари, иш юритувчи, халқаро туризм, менежмент, бизнес администрацияси ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлашни режалаштирмоқда.

Мазкур режаларни амалга оширишда хорижий илғор тажриба ва айниқса, ташкил этилаётган халқаро факультетларимиз яхши хизмат қилади, деган умиддамиз.

Университетда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган меҳрибон устозларимиз — А.Содиқов, И.Варфоломеев, Л.Абдушукурова, А.Холмуродов, Ф.Мусаев, Д.Ашурова, М.Убайдуллаев, С.Файзулина, О.Мўминов, Ш.Каримов, Д.Алимова, А.Маматов, Г.Кан, Г.Пан, А.Шатунова, М.Дадахўжаева ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бундан ташқари университетда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб, ёшлар таълим-тарбиясида фаол иштирок этаётган қатор устозларимиз — Масалан, профессорлар Ж.Бўронов ва М.Жусупов "Дўстлик" ордени билан, доцентлар Д.Ғозиева, А.Ирисқулов, Б.Дўстқораев, С.Умиров, Ш.Холматова "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони билан ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Республика олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган "Энг яхши факультет" кўрик-танловида университет қуйи инглиз филологияси факультети ғолиб деб топилди (факультет декани доцент А.Ирисқулов).

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган "Энг яхши дарслик муаллифи" республика танловида профессорлар И.Варфоломеев ва Ў.Ҳошимовлар фахрли биринчи ўринни эгалладилар.

Университет қошида академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Лицейда 650 нафардан ортиқ ўқувчига 62 нафар профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия бермоқда. Домлаларнинг аксарияти университетнинг профессор ва доцентларидир. 2001 йили ўтказилган "XXI аср маликаси" республика кўрик-танловида академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Дилдора Абзалова фахрли ўринни эгаллаб, ғолиб деб топилди.

Фурсатдан фойдаланиб, университетимиз барча жамоасини бугунги шодиёна билан қутлайман. Уларнинг хонадонига тинчлик-осойишталик, файз-барака, ишларида янги муваффақиятлар тилайман.

Чақалоқ дунёга келиб нурли кўзларини илк бора очганидан бошлаб онасига, унга табассум билан боқаётган опа-акаларига, ўзи ётган уйнинг деворшифтларига ва ҳар куни ширин уйқуга кетадиган бешигига, бешигининг "пештоқи"га осиб қўйилган тумор, кўзмунчоқ ва ўйинчоқларга ҳатто ўзи ётган момиқ ёстиғу кўрпачаларгача бирма-бир, такрор-такрор қарайди. Бориб-бориб гўдакнинг бир хилликдан зерикаётганлигини пайқаш қийин эмас. Олайлик, бешигидаги ўйинчоғини алмаштириб, бошқа бир ранг-баранг шақилдоқ осиб қўйсангиз ёки қандайдир ёқимли мусиқани эшиттирсангиз, ҳали эндигина кулишни ўрганаётган фарзандингиз ширин жилмайиб, хурсандлиги ичига сиғмаётганлигини намойиш қилади. Демак, унинг илк бор гўзалликдан завқланганининг гувоҳи бўласиз. Эндиги қадамлар эса тобора катталашиб ва мураккаблашиб бораверади. Яъники, боланинг аста-секинлик билан ақлини таниб, катталарга тақлиднамо ҳаракатлари кундан-кунга кўпая бошлайди. Масол учун китоб ёки газета ўқиб турганингизни кўрган кичкинтойингиз сизга жуда-жуда ҳавас қилади. У бу истагини тезлик билан ошкор қилиб, қўлингиздаги қоғозларга (китоб, дафтар, газета, умуман, ёзувли буюмларга) талпинади. Бу пайтда сиз "марҳамат"нингизни дариғ тутадиган бўлсангиз, болакай йиғлашгача боради. Агарда олдига расмли китоб қўядиган бўлсангиз, тўғри, аввал йиртиши мумкин. Лекин, кейинчалик у ҳаётда кўрган ҳайвонлар, қушлар ҳамда бошқа нарсаларнинг тасвирини қоғозларда кўргач, алланималар деб ғўлдираганича ҳар хил ҳаракатларни ва уларнинг номларини айта бошлайди. Ана энди болада куй-қўшиқлар орқали эшитиш ва турли хил ҳаракатлар қилиш ҳамда расмлар ва тасвирлар орқали фикрлаш, нутқ қобилияти ривожлана бошлайди. Шунинг учун ҳам 1 ёшдан ошган боланинг қўлига қоғоз, қалам берадиган бўлсангиз, у алланималарнидир чиза бошлайди. Сиз учун эрмакдай, мутлақо аҳамиятсиздай туюлган ушбу ажи-бужи "санъат асари"га бўлган бепарволигингиз ёки беписандлигингиз боланинг ижод қилиш қобилиятини бўғиб қўйиши, шубҳасиз. Аксинча, қилинган меҳнатга нисбатан билдирган рағбатингиз унинг тасвирий санъатга, нафосатга бўлган муҳаббатини тарбиялайди. Ким билибди дейсиз, жажжи кичкинтойингиз вақти келиб машҳур рассом бўлар... Ҳеч бўлмаганда ўзи ўйлаб турган нарсасини оддий қаламда қоғозга тартиб билан дидли туширишга ҳам инсонни тарбиялайди. Вояга етаётган боланинг ўз ишига пухта бўлишига, санъатга меҳрли бўлишига хизмат қилади. Биламизки, санъатни, нафосатни тушунган кишидан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Чунки, гўзалликка ошно инсоннинг қалби разилликдан йироқ бўлади. Демак, болаларнинг маънавий жиҳатдан ва ҳар томонлама баркамол бўлишида нафосат тарбиясининг аҳамияти катта.

Худди ана шу жиҳат мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг тасвирий санъат асарларидан завқлана олиш, мусиқани тинглашва ундан шодланиш қобилиятларини илк ёшданоқ ривожлантириб боришда асло сусткашликка йўл қўйиб бўлмайдиган жараён эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу борада қилинаётган ишлар, янги, ривожлантирувчи ҳамда ноанъанавий услублар, болалардаги тасвирий санъатга бўлган иқтидорни қай тарзда йўналтириш каби вазифаларнинг олиб борилишига қизиқиб, пойтахтимиздаги Бектемир туман халқ таълими бўлимига қарашли 580-"Қўнғироқча" мактабгача таълим муассасасидаги тасвирий санъат машғулотларини босқичма-босқич равишда ўтказилишини кузатдик.

ҒЎЗАЛЛИК ОЛАМИГА ИЛК ҚАДАМЛАР

ёхуд болажонларга босқичма-босқич берилаётган нафосат тарбияси

БИРИНЧИ КУНДАН ЧИҚАРИЛГАН ХУЛОСА:

ИМЕН — ЧЕКЛАШНИ ҚОРАЛАЙДИ

Кичик гуруҳнинг шинамгина "ижодхонаси". Уч-тўрт ёшлар атрофидаги тарбияланувчилар кляксография (бу усул болаларни сиёҳ, доғлар ҳосил қилишга ўргатишдир) бўйича шуғулланиш учун оддий столчаларига ўтириб тайёргарлик кўришаяпти. Уларнинг ҳар бирининг олдида биттадан оқ қоғоз, турли хил рангдаги гуашлар, пахта, паралон бўлаклари, дориси олиб қўйилган гугурт чўплари ва сочиқчалари ҳар столда бир хил қилиб эмас, аксинча, турлича тарзда жойлаштириб қўйилган. Бунинг сабабини сўрайдиган бўлсангиз, бугунги машғулот ИМЕН ихтиро муаммоларини ечиш назарияси методи бўйича ўтказилаяпти. Маълумки, ИМЕН ҳар доим бир хилликдан қочади ва турфа хилликни тавсия этади. Хуллас, тарбиячи Любовь Андарзянова олдидаги пахтани сиёҳга ботириб қоғозга босди ва болалардан ҳосил бўлган доғнинг шакли нимага ўхшаётганлигини сўради. Кичкинтойлар уни тошбақага ўхшатишди. Кейин ҳамма ишга тушиб кетди. Тарбиячи фақатгина кузатувчи (!) бўлиб турди. Таъкидимизнинг боиси, бу ерда мен ҳеч қандай назоратни сезмадим. Чаққон ҳамда анчагина қизиқувчан бўлган болалар аллақачон қоғозларини бир-бирига ўхшамайдиган доғчаларга тўлдириб ташлашди. Тарбиячи ҳам чарчамасдан оқ қоғозларни улашаверди. Биронта "ёш рассом"га, нега бунчалик бетартиб ишлаб, қоғоз ҳамда сиёҳларни исроф қилаяпсан, демади. Аксинча, унинг ўрнига балли, ўғлим ёки қизим. Жудаям яхши ишлаяпсан, баракалла, дея рағбатлантириб турди. Орадан 20—25 дақиқалар ўтгач, болалар қиладиган ҳаракатларидан зерикишди шекилли, анча сусайиб қолишди. Шунда Любовь Андарзянова болалардан ўзлари ҳосил қилган доғларнинг нималарга ўхшашини, агар улар ҳақида шеърми, топишмоқми билса, айтиб беришини илтимос қилди(!). (Мажбур қилмади, илтимос қилди. Хоҳиши йўқларга нисбатан ҳурматсизлик қилмасдан, фаол бўлишга ундовчи ширин сўзлар сўзлади).

Эътибор бериб қараб турсам, болаларнинг айримлари шакли гулга ўхшаш доғларни анорга, қуёнчага ўхшаш доғларни олмахонга... ишқилиб тўғри-нотўғри таърифларни ўзлари билганларича гапириб беришарди. Бироқ тарбиячи ҳеч бир болага, сен нотўғри гапираяпсан. Ундай эмас, бундай бўлади, дея тузатишлар киритмади. Бунинг сабабини сўраганимда:

— Тс-сс, ИМЕНчилар — чеклашларни қоралайди, — дея ўз ишини давом эттирди.

ИККИНЧИ КУНДАН ЧИҚАРИЛГАН ХУЛОСА:

БИР ХИЛЛИКЛИКДАН ҚОЧИШ — ИЖОДКОРЛИКНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Стол-стуллардан холи кенг хонанинг ўртасига учта узун ватман форматидаги қоғоз тўшалган. Ва акварель бўёқлари, гуаш, рангли қаламлар, фломастерлар қўйилган. 9 нафар кичкинтой югургилаб хонага киришди. Киришдию кимдир қаламни, кимдир сиёҳ суртгини... эгаллашди. Тарбиячи уларни 3 киши бўлиб, битта "катта" қоғозда расм чизишларини айтганида, аввал ҳайрон бўлишди, кейинчалик эса қизиқишлари ўн чандон ортганини пайқадим. Тарбиячи ҳар уч кишилик жамоанинг биринчиси қандайдир расмни бошлаши, кейингиси давом эттириши, учинчиси эса якунлаши кераклигини айтиб, болаларни йўналтирди. Қизиғи шундан сўнг бошланди. Биринчи жамоанинг биринчи боласи машиначанинг олд қисмини фломастерда, иккинчиси қолган қисмларини акварелда, учинчиси эса рангли қаламда машиначанинг чироқлари, ичидаги одамчаси ва бошқа безакларни чизди. Иккинчи жамоадагилар эса ўрик дарахти расмини аввал дарахт танасини гуашда, баргларини қаламда, мевасини фломастерда тасвирлашди. Сўнгги жамоа ҳам худди шундай қилиб ғаройиб уйчани бунёд қилишди.

Ушбу жараённинг энг муҳим жиҳати, аввало, ҳамма болалар ҳам бир хил фикрламайди. Шунинг учун ҳам бири бошлаган расмни иккинчиси бутунлай бошқача, яъни ўзи тасаввур қилганича давом эттиради. Шунингдек, турлича чизиш воситаларида қоғозга туширилган нарсалар ўта ажойиб ва одатдан ташқари бўлиб чиқади. Бунда боланинг тасвирий санъатга бўлган муносабатини фақатгина кучайтиришга эришиш мумкин. Ва тарбиячининг айтишича, ҳар доим болага стандарт қоғоз беравермасдан, қоғозлар форматини ва чизиш услубини алмаштириб туришнинг аҳамияти катта. Чунки бир хиллиликдан қочиш — энг асосий воситалар бўлган қизиқишни ҳамда ижодкорликни тарбиялайди.

УЧИНЧИ КУНДАН ЧИҚАРИЛГАН ХУЛОСА:

НУҚТАЛИ РАСМ— ЭЪТИБОР ВА ДИҚҚАТНИ ОШИРАДИ

Сезаётган бўлсангиз керак, болаларга одатдагидан бошқачароқ бўлган ҳамма нарсалар ёқади. Буни яхши тушуниб етган тарбиячи Гулнора Муратова бугунги тасвирий санъат машғулотини нуқталар билан расм чизиш бўйича ўтказди. Гуруҳ болаларининг ҳар бири оқ қоғоз, фломастер, қалам, учига пахта ўралган гугурт чўпи ва сиёҳ билан қизиқиб ишлашарди.

Дима Когай Ялмоғиз кампирнинг уйчасини астойдил тиғиз нуқталарда чизди. Унинг ҳеч нарсага эътибор бермасдан, диққат билан ишлаши бир четда турган кузатувчи, яъни каминани ҳам қизиқтириб қўйди. Ўзини Доно Адҳамова деб таништирган узун сочли қизалоқ ҳам уйидаги ўзи яхши кўрадиган аквариум ва унинг ичидаги "олтин балиқчалар"ни гугурт чўпи орқали такрорланмас қилиб тасвирлади. Тўғриси, мен ҳеч қаерда бундай суратларни учратмаган эдим. Гулнора опанинг таъкидларидан ва ўзимнинг кўрганларимдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, нуқтали расм боланинг бир маромда, диққат, эътибор ва босиқлик билан ишлай олиш кўникмаларини тарбиялайди. Чунки, бу вазиятда шошма-шошарликка йўл қўйилса ва мунтазамлиликдан чалғиб кетилса, ўйланган жисмнинг тасвирини чиқариш амри маҳол. Балким бунда барча ҳаракатлар зое кетиши ҳам мумкин. Нафақат, бу расм чизиш жараёнида, балки бошқа машғулотларда ҳам боланинг оғир-босиқ бўлишига замин яратади.

ТЎРТИНЧИ ВА БЕШИНЧИ КУНЛАРДАН ЧИҚАРИЛГАН ХУЛОСА:

АСФАЛЬТГА ЧИЗИШ — ЭНГ ҚУЛАЙ ВА ЭРКИН УСУЛ

Аввалги кунларда қоғоз форматининг ўзгартирилган тажрибаси ва ундан юзага келадиган самара борасида тўхталиб ўтган эдик. Бугунги машғулот умуман "иш жойи" ҳам, чизиш воситалари ҳам ўзгарган ҳолда тарбиячи Гулшод Амирова томонидан ўтказилди. Демоқчи бўлганим, болалар махсус хонага "қамаб қўйилмади", балки боғча ҳовлисига олиб чиқилиб, бўр ва кўмир бўлакчалари билан расм чизишга киришишди. Ҳар доимгидан кўра эркинроқ бўлган болалар шунчаки хоҳлаганларини асфальтга туширишгани йўқ. Улар икки жамоага бўлиниб, битта нарсани — қайси жамоа тез ва чиройли чизарга ўйнашди. Назаримда, бу усул болаларнинг бор имкониятларини кенгроқ очиб берди. Чунки, қалам, фломастер, бўёқ суртгични ушлашга бармоқлари ҳали кўникиб кетмаган болалар бўр ва кўмир бўлакчаларидан қулай ва осон фойдаланишди. Айниқса, боғча ҳовлисида жойлашган чархпалак, гул тувак, улкан жирафа ва акулаларга қараб чизиш болалардаги кўрган нарсасини тасвирлаб бериш ва эслаб қолиш қобилиятлари кимда қандай эканлигини кўрсатди. Бироқ, машғулот вақти тугаб қолганлиги боис, ҳакам (тарбиячи) билан болалар ишни эртага давом эттиришга келишиб олишди.

... Болалар уйларида ҳам чизиб кетган нарсалари ҳақида ўйлаб юришган шекилли, кечагидан дадилроқ эди ва тезроқ чизишга киришишни исташарди. Ҳатто, жамоадошлар пичирпичир қилиб (рақиблари эшитиб қолмаслиги учун) нималарнидир яна ўзгартириш кераклигини, нималарнидир ўчириб ёки бўлмаса қўшиш кераклигини ва яна бошқалари қандайдир янги ғояларини бир-бирлари билан ўртоқлашарди. Хуллас, иш бошланди ва белгиланган вақтда "Боғча ҳовлиси" асари тайёр бўлди. Иккинчи жамоанинг иши тартибли ва аниқ деб топилиб, акварель билан тақдирланди. Шу ўринда асфальтга бўр ва кўмир бўлаклари ёрдамида чизишни энг қулай ҳамда қизиқ усул дея баҳоладим.

ОЛТИНЧИ КУНДАН ЧИҚАРИЛГАН ХУЛОСА:

ТОШЛАРГА РАСМ ЧИЗИШ БОЛАНИ ЧАРЧАТМАЙДИ. АКСИНЧА...

Бугун ҳам болалар гуаш ва фломастерларини кўтариб ҳовлига чиқишди ва турли хил катталиқдаги тошларни йиға бошлашди. Аввал бошдан тушунмайроқ турдим. Кейин эса... Ҳозир сиз ҳам бу ҳақда билиб оласиз.

Улар тошларга турли хил: тошбақа, қурбақа, қўнғиз, қўзиқорин, типратикон, сабзи, қуён... каби жуда кўплаб нарсаларнинг расмини чизишди. Янги усул бўлгани учун болалар бу гал ҳар сафаргидан ҳам кўра фаолроқ эдилар. Бир пайт тарбиячи Людмила Ўрозова рангсиз лак кўтариб келди ва бўёқлари қуриган тошларни бирма-бир лаклай бошлади. (Чизгилар ўчиб кетмаслиги ва ажойиб ўйинчоқ чиқариш мақсадида). Буни кўрган болаларда янада қизиқиш орта бошлади. Икки соатдан кўпроқ вақт тер тўкишган болаларда ҳеч қандай чарчаганлик, толиққанлик ёки зерикиш аломатларини пайқамадим. Чунки, энг қизиқ иш ҳали олдинда турганлигини тарбиячи болаларга билдириб қўйган эди. Ниҳоят, қуриган тошлар (энди улар оддий тошчалар эмас, балки бетакрор табиий ўйинчоқларга айланган эди) ўз "эгалари" орқали хонага олиб кирилди. Ҳатто жараёнга берилиб кетганликларидан бўёқлар ҳам болаларнинг ёдидан кўтарилиб, уларни ичкарига олиб кириш менинг чекимга тушиб қолди. Ва кутилган нарса — коллажлар коллекцияси яратилди, яъни типратикон, қўзиқорин, олма расмли тошчалар бир жойда, қуёнча, сабзи, бўрили тошчалар бир жойга... Умуман, шу тартибда расмли тошчалар жойлаштирилганида, болалар ҳайратдан бир-бирларини қучиб қичқиришарди. Чунки бу ҳолатни улар хаёлларига ҳам келтиришмаганди. Шундан сўнг боғча опа ясалган коллажларни бузиб ташлади ва болалардан уларни ўзлари ўйлаганчалик ясашларини сўради. Болалар яна боягидан бутунлай бошқача бўлган коллажларни теришганидан боғча опага мағрурона қараб қўйишарди...

Демак, бу усулда бола ўзи учун ҳам фикрлашини, ҳам мантиқий тафаккурини, ҳам ҳайратини оширадиган чизилган ўйинчоқ — маҳсулот ишлаб чиқаради. Ва ҳар доимо улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Ўйлашимча, ушбу усул сиз — тарбиячи, газетхонларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

ЕТТИНЧИ КУНДАН ЧИҚАРИЛГАН ХУЛОСА:

МОНОТОПИЯ — БУ ЖУДА ҚИЗИҚ

Тарбиячи эрта тонгданоқ бугунги бўладиган тасвирий санъат машғулотининг жуда ҳам кам қўлланиладиган ва ноёб бўлган усули — монотопия тарзида ўтказилиши ҳақида олдиндан мени хабардор қилишга улгурди. Монотопия нима, деяётгандирсиз? Бу — одатдагидан сал қалинроқ бўлган целлофанга биронта расмни чизиб, кейин қоғозга босиб кўчириладиган тасвир тури. Бу боланинг фантазиясига қараб турлича, яъни чекланмаган бўлиши мумкин. Фақатгина бу усулда гуаш, акварель, сиёҳ ҳамда учига пахта ўралган гугурт чўпида ишлаш талаб этилади. Агарда рухсат этилса, болалар бармоқларини бўёққа ботириб, чизсалар ҳам бўлади.

Машғулот тафсилотига ўтадиган бўлсам, болалар тарбиячи тушунтирганидек, "ишга" шўнғиб кетишди. Гугурт чўпини сиёҳда кўпроқ ушлаб туриб, чизган целлофандаги расмларининг бўёқлари қуриб қолмасдан, тезлик билан қоғозга кўчиришга улгурган чаққон болаларнинг кўчирмалари жуда аниқ ва чиройли чиқди. Бундай дейишимизга сабаб, чўпча сиёҳда кўпроқ ушлаб турилганда, пахта кўпроқ бўёқни шимиб олади ва кўчирилган расм хира чиқмайди. Қизиқ-а? Битта расм чизасан-у уни бир зумда иккита бир хил тасвирга айлантирасан. Айниқса, бу болалар учун севимли машғулотга айланишига ҳеч ҳам шубҳа йўқ.

Шу тарзда қоғозга туширилган расмлар гуруҳ хонасининг кўргазмалари қаторидан жой олди. Болаларнинг иш столларидан умуман тургилари келмаса-да, тарбиячи кейинги гал ҳам машғулотни шундай усулда ўтказишга ваъда бериб, тарбияланувчилардан келажакда рассом бўлишни орзу қилган Иброҳим Муҳамедов ҳамда ўқитувчи бўлмоқчи бўлган энг кичкина қизча — Дилобар Тошхўжаевани намунали ишлаганлари учун рангли карточка билан тақдирлади.

* * *

Мана, нафосат тарбияси ва унга болаларни қандай ҳамда қанчалик даражада қизиқтириш мумкин, деган саволга жавоб топиш мақсадида олиб борган кузатувларимиз баёни билан танишдингиз. Келтирилган ҳар бир усул сизларнинг иш фаолиятингизда ёки фарзандингиз тарбиясида қўл келади, деган ниятдамиз. Шу ўринда мен ушбу машғулотлар олиб борилган 580-"Қўнғироча" мактабгача таълим муассасасининг мудираси Шоира Патхуллаеванинг бу борадаги фикрларини ҳам келтириб ўтмоқчиман:

— Ҳар доимги "қотиб қолган" усулларда болага расм чиз, деб мажбурлаш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Унинг ўрнига озгинагина изланилса ва янги педагогик технологиялардан тарбия жараёнида унумли фойдаланилса, албатта, бунинг самараси эртами-кечми, барибир, бўй кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам мудиранинг ва ушбу муассаса тарбиячиларининг, айниқса бундай машғулотлар ўтказилишига ўзини масъул деб билган услубчи Светлана Дидманидзенинг болалардаги нафосат тарбиясини ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари ҳаммамизга ўрнак бўларли. Мен ҳар бир боғча жамоасида мана шундай ижодий муҳит яратилишини истаганим ҳолда ушбу мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ва у ердаги жуда ҳам таниш бўлиб қолган болажонлар билан ҳозирча хайрлашиб қоламан.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Kuzatuv

Qonun va fuqaro

ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

Мазкур қонун 1992 йил 3 июлда қабул қилинган бўлиб, у 6 бўлим, 32 моддадан иборат. Мамлакатимизда аҳоли соғлиги, атроф-муҳит мусаффолиги соҳасида бир талай бошқа қонунлар ҳам бор. Қонун санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини ва радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни, шунингдек, инсоннинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳамда уларни амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлайди.

Қонунга кўра, давлат санитария назорати бу, санитария қонунлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган хизмати турлари фаолиятидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, фуқаролар табиий атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Янада кескинроқ манзара Фуқаролик кодексида белгиланган: "Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбур". Мазкур қонунга кўра, мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахсларнинг санитария нормаларига, гигиена нормативларига риоя қилмаслиги ҳамда эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширмаслиги натижасида аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши назарда тутилади. Ушбу қонунда белгиланган санитария нормалари, қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланади.

Қонуннинг 2-бўлими аҳамиятли бўлиб, у инсоннинг қулай атроф-муҳит шароитларига эга бўлиш ҳуқуқи кафолатларига бағишланган. Унга кўра, ҳар бир инсон қулай атроф-муҳит шароитларига эга бўлишга, эпидемия ва радиация вазияти, атроф-муҳитнинг ҳолати ҳақида ҳаққоний маълумот олишга, унинг зарарли омиллари, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари таъсирида ўзига етказилган зарарнинг ўрнини тўлатиб олишга ҳақлидир. Бу яна шу билан изоҳланадики, Конституциянинг 13-моддасига кўра, инсон, унинг ҳаёти олий қадрият ҳисобланади. Сўнгги пайтларда ўтказилаётган қатор чора-тадбирлар (хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларига сертификация талабларининг қатъий қўйилиши, экология солиғининг жорий қилиниши, аҳоли саломатлиги соҳасида) турли форумларнинг уюштирилиши, бу соҳада турли нодавлат ташкилотларнинг тузилиши (ЭКОСАН каби) шулар жумласидандир.

Қонун янги объектларни қуриш, лойиҳалаш ва фойдаланишга топширишда, транспорт воситаларидан фойдаланишда, кимёвий моддалар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда, радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасида, уй-жойлардан фойдаланишда, озиқ-овқат маҳсулотлари, хўжалик — ичимлик суви, чет эллардан олиб келинадиган маҳсулотларга нисбатан санитария қоидалари, нормалари, стандартларига риоя қилинишини талаб этади. Шунингдек, қонун юқумли ва хавфли касалликлар келиб чиқиши ҳамда тарқалишига йўл қўймасликни, касб касалликлари, заҳарланишлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида, мулк шаклидан қатъи назар, барча корхона, муассаса, ташкилот ва бирлашмаларнинг ходимларини тиббий кўрикдан ўтишларини белгилайди. Ушбу қонун нормаларини реализация қилувчи асосий муассаса СЭС (санитария-эпидемиология станцияси)лар ҳисобланиб, у санитарияга доир ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошираётган мансабдор шахсларнинг кўрсатмалари бажарилмаган тақдирда, айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эгадирлар. Маъмурий жазо чоралари қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган, шунингдек, одамларнинг ҳалок бўлишига, гуруҳ бўлиб ёхуд оммавий тарзда касалланишига, заҳарланишига сабаб бўлган, аҳолининг саломатлигига катта зарар етказган хатти-ҳаракатлар учун айбдорлар жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Қисқаси, қонунда талаблар қанчалик қатъий қўйилмасин, ҳаёт бир текисда, ўз маромида давом этмоқда. Атроф-муҳит, сув ҳавзалари ифлос, ҳар хил чиқиндилар, қолдиқлар табиат бағрига, очиқ ҳолда ташланмоқда. Бу — ҳар биримизга, ҳаммамизга бориб турган зиён-ку, ахир. Атроф-муҳитни соз, мусаффо ҳолда сақлаш ҳар биримизнинг виждон ишимиз бўлмоғи шарт.

Миродил БАРАТОВ,
Шоира ЮЛДАШЕВА

ДАРС ВА АМАЛИЁТ ЎЙҒУНЛАШГАНДА

Kasb-hunar kollejlarida

Мамлакатимизда бунёд этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси деб қараш мумкин. Мазкур таълим муассасаларига катта ишонч ва умид билан қаралаётганлиги ҳам бежиз эмас. Ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш ҳамда касб-ҳунар ўргатишга ихтисослашган бу илм масканлари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисида"ги қонунни амалга оширишда ўзининг катта имкониятларга эга эканлигини намоён этмоқда.

Шу маънода Жиззах вилоятида сўнгги йиллар давомида барпо этилаётган янги турдаги ЎМКҲТ муассасалари йигит-қизларнинг чинакам билим масканларига айланмоқда. Аввало, вилоятда коллежлар қурилишига катта эътибор берилаётганлиги қувончли ҳол. Ҳозирда 32 та касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу таълим муассасаларида 70 дан ортиқ мутахассислик йўналишлари бўйича ёшларга касб сабоқлари берилмоқда. Ўқувчи талабаларга таълим-тарбия бераётган 1330 нафар педагог ва муҳандис-педагогларнинг 2 нафари фан доктори, 32 нафари фан номзоди, 211 нафари олий, 481 нафари биринчи тоифали мутахассислардир. Илм даргоҳлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 2 миллиард 81 миллион 500 минг сўмлик турли жиҳозлар ва асбоб-ускуналар олинди. Осиё Тараққиёт банки ҳисобидан Корея давлатидан олинган жиҳозлар 424 миллион 882 минг сўмни ташкил этади. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, коллежларда ўқувчи талабаларга замон талаби даражасида назарий билим бериш учун барча куч ва имконият мавжуд. Хўш, ана шу таълим масканларида дарс ва амалиётни уйғунлашган ҳолда олиб боришнинг аҳволи қандай?

Биз бу саволга жавоб топиш учун Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежига ташриф буюрдик. Коллеж бўлажак саноатчиларни тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, айни кунда 370 нафар ўқувчи 7 хил касб-ҳунар бўйича назарий ва амалий машғулот ўтказмоқда. 42 нафар муҳандис-педагогнинг 3 нафари фан номзодидир. Ўқитувчиларнинг аксарияти олий ва биринчи тоифали мутахассислардир. Шунинг ўзи ҳам бу ерда назарий билимларни ёшларга етказишда катта куч мужассамлашганлигини кўрсатади. Дарслар замон талаби даражасида жиҳозланган фан хоналари ва ўқув устахоналарида олиб борилмоқда.

Умумтаълим фанлари бўйича физика, химия, биология, электротехника, компьютер ва лингафон хоналари энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Улар Жанубий Кореядан келтирилган. Мазкур давлатда малака ошириб қайтган 5 нафар педагог бу жиҳозлар билан ишлашни ёшларга ўргатишаяпти.

Коллеж талабалари ҳозирда юқорида таъкидлаганимиздек, 7 хил йўналишдаги мутахассислик бўйича машғулот олиб бормоқдалар. Булар — автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, тикувчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш, бухгалтерия, ҳуқуқшунослик, ҳуқуқшуносиқтисодчи мутахассисликларидир. Ўқув масканида ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш борасида олиб бораётган машғулотлари таҳсинга лойиқдир. Хорижий тилларни ўрганиш бўйича лингафон хоналари ташкил этилиб, унда малакали педагоглар машғулот ўтказмоқда. Коллежда ўқувчиларнинг дарсликлар ва адабиётлардан фойдаланишлари учун 90 ўринга мўлжалланган ўқув зали ва 4528 та китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона мавжуд. Ўқувчиларнинг маънавий-маърифий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида "Энг яхши китобхон", "Аждодлар мероси муқаддас" кўрик-танловлари, китобхонлар конференцияси, Навоийхонлик кечалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Коллежда ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ўқув устахоналарида ўтказилаётган машғулотлар ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўқувчи-талабалар устахонада автомобилнинг барча қисмларини ўз кўзлари билан кузатиб, уни ечиб, яна жой-жойига қўйишни ўрганмоқдалар. Ана шу амалий машғулотларни амалга ошириш жараёнида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётидан қисқа муддатда 126 минг сўмлик маблағ топишга муваффақ бўлдилар. Умуман, ўқувчилар меҳнати билан ўқув юрти ҳисобига пул тушириш яхши йўлга қўйилган. Масалан, кўплаб мевали ва манзарали дарахтларни уруғидан кўпайтирилган.

Коллежда ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Ўқув юртининг 14 гектар майдони бор. Коллежга киришингиз билан атрофдаги турли гуллар, манзарали дарахтлар эътиборингизни тортади. Бу ерда 1200 та мевали дарахт, 5 мингта терак, 2 мингта гул кўчати бор. 4 гектар майдондаги гулзорда меҳнат қилиш ўқувчи-ёшларнинг севимли машғулоти. Коллеж аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа ишлар билан жорий йилда 1 миллион 891 минг сўм маблағ топди. Унинг асосий қисми аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш, кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш, синфхоналарни жиҳозлашга сарфланди.

— Туманнинг ижтимоий, иқтисодий, демографик ҳолатини эътиборга олиб, бир неча ташкилот билан шартнома тузганмиз, — дейди коллеж директори Маъмуржон Фозилов. — Ўқувчиларни ана шу ташкилотлар билан тузилган шартномага асосан қабул қиламиз. Айни пайтда ўқувчиларимиз ўзларининг назарий билимларини амалда мустаҳкамлаш учун Ғаллаорол деҳқон-фермерлар уюшмаси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси, 30-автокорхона, "Балтимор-Ғаллаорол" Россия-Ўзбекистон қўшма корхоналарида бўлиб, бевосита ишлаб чиқариш жараёнларини ўз кўзлари билан кузатадилар. Ўз мутахассисликлари бўйича тажриба ва малакаларини оширадилар. Шунингдек, келгусида тикувчи мутахассисларимиз учун Германияда ишлаб чиқарилган 1 комплект "Зингер" тикув машиналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш кичик цехи, нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик цехларни ишга туширишни мўлжаллаб турибмиз.

Коллеж маъмурияти назарий ва амалий билимларни янада мустаҳкамлаш учун бир қатор олий ўқув юртлари билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда Тошкент Давлат техника университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда молия институтлари, Жиззах Давлат педагогика ва политехника институтлари билан ўзаро шартнома тузилган. Ана шу шартнома асосида мазкур олий ўқув юртлари коллежга янги адабиётлар, дарсликлар ва бошқа қўлланмалар етказиб бераяпти. Талабалар вақти-вақти билан олий ўқув юртида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишмоқдалар. Коллежнинг 4- ва 7-гуруҳ талабалари Сардор Абдулаҳатов ва Санжар Сафаров Тошкент Давлат техника университети жорий этган стипендия совриндорларидир.

Биз Ғаллаоролда кўрганимиз, дарс ва амалиёт уйғунлиги вилоятдаги бошқа коллежларда ҳам қатъий йўлга қўйилган. Айни пайтда таълим муассасаларида олинган назарий билимларни амалий равишда мустаҳкамлаш мақсадида 24 та физика, 24 та кимё, 39 та лингафон, 31 та компьютер синфлари замонавий техник воситалар ҳамда кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Бундан ташқари 10 та автомашина, 15 та қишлоқ хўжалик машиналари амалий машғулотлар ўтказиш учун ўқувчилар ихтиёрига берилган. Бу ўз навбатида ўқув юртларида бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топишга имкон яратмоқда. Биргина 2002 йилнинг ўтган 6 ойида вилоят бўйича коллежларда 9,5 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Аҳолига 2,5 млн. сўмлик турли пуллик хизмат кўрсатилди. Деҳқончилик экинларидан 150 тонна маҳсулот олинди, 5,6 млн. сўмлик даромад топилди. Бунинг барчаси ўқув жараёнида амалий машғулотларнинг таъсир доираси кенгайиб бораётганлигидан бир нишонадир.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat"нинг
махсус мухбири

ЙЎҚОТИШ НАТИЖАСИДА ТОПИШ

Бадиийлик ахлоқийлик мезонини касб этмоғи даркор.

Асарнинг маънавий қиёфаси асар композицияси орқали эмас, маълум ва фақат етакчи "қисм"лар орқали гавдалантирилмоғи керак. Ана шунда тарбияловчи кучга — амалиётга ижобий таъсир этилади.

Ўзбек адабиёти сарчашмаси саналмиш буюк мутасаввуф шоиримиз Навоий асарлари бунинг далилидир.

Навоийнинг асарлари орасида "Лисонут тайр" етакчи мавқе эгаллаб, асардаги ҳикоятлар тарбия муҳитини етарли озиқлантира олади. "Лисонут тайр" достонидаги энг мукаммал ҳикоят — "Шайх Санъон" соф тасаввуфий мазмунда бўлиб, Шайх Санъон ибн Саққо XI-XII асрларда яшаган тарихий шахс эканлиги манбалардан маълум. Ушбу ҳикоят бирмунча мунозараларга сабаб бўлгувчи, мукаммал парапсихологик ҳолатларга эга, аммо соф ахлоқий ҳикоятдир. Ҳикоят замирида инсоннинг жисман ва руҳан поклиги, эзгуликнинг ғалабаси, инсон улуғлиги концепцияси теран мушоҳада этилган. Маълумки, тасаввуфда туш кўриш ҳолатига (сўфийлар туши назарда тутилмоқда) ўзгача муносабат билан қаралади; туш орқали ваҳий ва ишоралар бўлган; туш орқали илоҳий олам билан боғланишган; туш орқали пайғамбарлар ва авлиёлар тўғри йўл кўрсатишган.

Эслант: "Юсуф ва Зулайҳо", "Гул ва Наврўз", "Фарҳод ва Ширин" достонларида ҳам туш эпизоди мавжуд. "Шайх Санъон" ҳикоятида учта туш эпизоди бор:

1. Шайх Санъоннинг туши.
2. Фоний муриднинг туши.
3. Тарсо қизнинг туши.

Шайх Санъон тушида бир бегона жойда сайр қилиб юрар, бир бутхонага кириб бутпарастлик қилар ва бу жой Рум мамлакати эмиш. Бу тушдан сабри қарори тугаган Шайх Санъон бир кун Румга боришни ихтиёр этади ва унга тўрт юз муриди эргашади.

Шайх Санъоннинг тушдан кейинги кечмишлари зоти мутлақни қалб билан ҳис этишга чоғланганлигидан далолат беради. Румга борган Шайх Санъон тарсо қизни севиб қолади. Бунга қадар Шайх Санъон ориф эди; у исломнинг барча қонун-қоидаларини тўлиқ адо этувчи, Оллоҳ ҳақида етарли тушунчага эга шайх эди. Бундай инсонда маълум маънода жаннат таъмаси бор. Оллоҳни қалбга беркитиш ва уни севиш учун орифликнинг ўзи камлик қилади, сўфий ошиқ бўлмоғи даркор.

Санъоннинг тарсо қизни севиб қолиши ва қалтис шартларига розилик билдириши орифликдан ошиқлик томон юз буришига ишорадир. Илоҳий ишқ ошиқни маст қилади, Оллоҳга итоат этишга эмас, уни севишга интилмоқлик керак. Итоат ва муҳаббат — қарама-қарши икки қутб, фақат муҳаббат боис инсон камолотга кўтарилади.

Ишқ ошиқ вужудини шундай забт этадики, ошиқ барча эгаллаган илмларини ҳам, ҳатто Қуръон оятларини ҳам унутади. Ошиқ "сукра" (ўз-ўзига нажот излаш) ҳолатига ўтади.

Эслант: Тарсо қизнинг чеҳрасидан таралаётган нурдан ҳайратга тушган Шайх Санъон ҳассасига суянади, аммо ҳаяжоннинг зўридан ҳасса гавдани кўтаришга ожизлик қилади ва шайх ерга қулайди.

Оллоҳ ишқи нури баданини чулғаган ошиқ илмга, Қуръонга таянишга ҳаракат қилади, лекин жазба (илоҳий-ишқий майл) ошиқнинг шавқини (муҳаббатнинг зўрайиши) шундай алангалатадики, оқибатда ошиқ илмидан ва ақлидан нажот топа олмайди. Ишқ чоҳига йиқилади. Шайх ўз ҳолатини шундай тасвирлайди:

"Ишқ тадбирларини айтиб берадиган, вайрон бўлган кўнгилни тиклайдиган ақл қани?".

Ишқ ошиқни ақлидан айиради, Оллоҳни сиз ва бизнинг ақлимиз билан таниб бўлмайди. Ақл ишқни шарҳлашга қодир эмас. Ишқ ошиқни телба қилиб қўяди. Ошиқ ўзига ишқдан нажот излайди.

Эслант: Шоҳ Машрабнинг ҳолати.

Ёки Шайх Санъоннинг ҳолатига бутхонадаги болалар маза қилиб кулишади, масхара қилишади. Телба ошиқ ўзини унутади, дунёвий хислатларини йўқотади, ёди бус-бутун Оллоҳ номи билан йўғрилади, қалби қусурлардан покланади, таъма нималигини унутади.

Энг асосийси қалб тозалиги эмасми?!

Герменевтикага амал қилган ҳолатни дунёвий маънода шарҳласак, инсон бирор иш қила олишга ақли етса ҳам, ўша ишга нисбатан муҳаббати бўлмаса, ҳеч нарсага эриша олмайди. Маълумки, исломда зикр тушунчаси бор. "Зикр" арабча сўз бўлиб, ёдга олиш, эслаш деган маъноларни англатади. Зикр икки хилдир:

1. Жаҳрий зикр — баланд товушда зикр этиш.
2. Хавфий зикр — қалбда, овоз чиқармасдан зикр этиш.

Эслант: Нақшбанд таълимотидаги "дил ба ёру даст ба кор" тушунчаси.

Тарсо қиз — илоҳий ишқнинг мазҳари, айнан тарсо қиз воситасида Шайх Санъоннинг нафси мавҳ этилади. Кўплар бу илоҳий ҳолатни англай олмайди. Тарсо қиз ишқида телба бўлган Шайхни бу дарддан халос этиш учун дўстлари кенгашадилар:

Бири дебдики: "Бу эрур шайтон иши,
Зикр ила ондин топар махлас киши."

Шайх Санъонга зикр тушиш ҳақида йўл-йўриқ кўрсатиш шарт эмас, зеро ишқни юборгувчи, ўзини севдирувчи ва синаш учун синовлар юборгувчи Оллоҳнинг ўзидир, авом унинг ҳолатини "Худони унутганлик" деб тушунди, уни шайтонга эргашишда айблашди.

Оллоҳ ёди Шайх Санъон баданининг бўғин-бўғинларига сингишиб, муҳаббатга айланган, Оллоҳ ўз ёдини май этиб Санъонга ичиртирган ва маст этган.

Хўш, ишқни тарсо қиз образида беришдан мақсад нима?

Фақат тарсо қиз воситасида Шайх Санъонга оғир шартлар қўйиш мумкин, сабаб тарсо қиз — номусулмон. Ишқ шундай неъматки, у дин ва жинсни тақозо этмайди.

Май ичиш, зуннор боғлаш, Қуръонни ўтда куйдириш, бутпарастлар динига кириш тарсо қизнинг шартлари эди. Шу шартларни бажарган Шайх тарсо қиз васлига етиши мумкинлиги айтилади.

Май ичиш (ишққа мубталолик, ошиқнинг ишқ денгизида чўмилиши);

Зуннор боғлаш (кўнгилни фақат Оллоҳ билан боғлаш);

Қуръонни ўтда куйдириш (таъмадан халос бўлиш);

Бутпарастлар динига кириш (Оллоҳ ва ошиқ ўртасидаги жамики моддийликнинг йўқолиши),

Шайх Санъоннинг тарсо қизга муҳаббати ҳирсий муҳаббат эмас, достонда бунга ишора ҳам йўқ. Тарсо қиз юзидаги нур илоҳий; илоҳ нури зуҳур этган чеҳрага интилиш илоҳнинг ўзига интилиш демакдир. Тасаввуф ошиқларнинг маъшуқаларига интилишини руҳан бирлашиш санайди ва ҳирсий ишқни рад этади. Шайх Санъон ишқи бунга мисол бўла олади. Илоҳий муҳаббат замирида пок инсоний туйғулар ётади. Унутмаслик керакки, тупроқдан инсонни бино этган Оллоҳ уни нурдан бино бўлган фаришталардан устун, яъни суюкли атади. Инсонни сева билмаган инсонда Оллоҳга нисбатан ҳам муҳаббат бўлмайди, зеро, "севганимизнинг севгани ҳам севимлидир" (Ғаззолий).

Шайх Санъон тарсо қизнинг шартларини сабр билан адо этди, илоҳий муҳаббат Маҳбуб ёдидан бошқа барчасини унинг ёдидан ўчирди. Қалбда танҳо Оллоҳ ишқи қолди.

Anglash

Бундай сиру асрорни Ҳақни англаганларгина тушунганлар, бундай инсонлар кўпгина ҳолларда авом томонидан жабр кўрганлар.

Эслант: Ишқ Мансур Ҳалложни Ҳаққа етказган эди. Илоҳий олам билан Мансур Ҳалложнинг вужуди бирлашган, Ҳаққа қўшилиб бир бутун бўлган. Оқибат у "мен худоман" ("Анал ҳақ") деди. Авом уни худога даъвогарликда айблаб, тошбўрон қилди. Мансур Ҳаллож отилган тошлар оғриғига оҳ демасдан сабр этади. Авом Абубакр Шиблийни ҳам (Халложнинг устози) тош отишга ундади. Ноилож қолган Шиблий Мансурга қўй қумалоғини отади. Тош текканда оҳ урмаган Мансур бу сафар оҳ уради. Мансурдан бунинг сабабини сўраганларига у шундай дейди: "Одамлар ғофиллик боис тош отмоқдалар, устозим эса тушуниб шундай қилмоқда".

Шайх Санъон комил инсон даражасига етди. Садоқатли муридининг ёрдами билан хотирасини тиклайди. Сукра ҳолатидан саҳв ҳолатига ўтди, яъни ҳушёр тортди. Расули акрам Шайх Санъоннинг синовдан ўтганини муридга айтди (муриднинг туш кўриши).

Тушида расули акрамни кўрган муридга Муҳаммад алайҳиссалом шундай дейди: "Тангри ўз махфий ҳикмати намойишида бу йўлга кирганларга шундай тўсиқлар қўядики, уларни енгиб ўтмай нажот топиш имкони бўлмайди". Бу тўсиқлар тангри юборган синовлар эди. Шайх уларни енгиб ўтди ва Илоҳга руҳан қўшилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тасаввуф ҳирсий ишқни рад этади. Шу сабаб ошиқ ва маъшуқаларнинг тақдири, муродли ўлим билан якун топади. Ошиқ (инсон) Маъшуқа (Оллоҳ) билан қачон юз очиб кўришади?

ЭСЛАНГ: Фарҳод ва Ширин севгиси, Лайли ва Мажнун севгиси ...

Айнан ана шу шарофатли ўлим муҳаббатнинг илоҳийлигини, дунёвий эмаслигини тасдиқ этади. Бу билан бу дунёдан тезроқ кетиш керак экан-да, деган фикр тушунилиши мутлақ нотўғри. Яшаб турган дунёсини гўзал этган инсоннинг боқий дунёси ҳам гўзал бўлади.

Исо пайғамбар тарсо қизнинг тушига кириб, уни Исломга киришликка даъват этади. Шуниси муҳимки, Ислом — сўнгги ва ҳақиқий дин. (Бу ўринда Қуръонга ёндашилганлигини қайд этиш жоиз), Исо пайғамбарнинг даъвати шунга ишорадир.

Тарсо қизи Исломни қабул қилди, асосийси, ишқ (тарсо қизи) ошиқни (Шайхни) комиллик даражасига етказди. Тарсо қиз қазо қилди (ошиқ қалбига сингиди).

Шайх Санъон ҳам каъбага топинди ва қазо қилди (Оллоҳ жамолига эришди).

Тарсо қиз ва Шайх Санъоннинг ўлими — Ошиқнинг Мутлақ Руҳ билан қўшилувидир. Шу сабаб тасаввуфий сюжетли асарлар охирида ошиқ-маъшуқлар қазо қиладилар, яъни бирлашадилар.

Кўриниб турибдики, тасаввуф қалб покизалигини тараннум этади. Бундай тушунча миллатимиз руҳиятига жуда мос келади.

"Шайх Санъон" ҳикояти бизнинг меросимиз, унда қадриятимиз намоён, моҳият шуки, қалб тоза бўлса, унда Оллоҳ яшайди.

Энг гўзал неъмат инсоннинг инсонни сева олишидир, бу инсоннинг ютуғи ҳамдир.

Раъно ЮСУПОВА,
Навоий Давлат педагогика
институти ўқитувчиси

ҚОМУСИЙ АСАР

Ўзбек халқининг бой илмий-адабий меросини жаҳон халқлари мулки даражасига кўтаришда буюк аждодларимиз ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, ибн Сино, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари ўнлаб улуғ алломалар қаторида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳам номи муносиб ўрин эгаллайди. Унинг ёрқин шахсий ва ижодий фаолияти, давлат, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги катта мавқеи авлодлар томонидан юксак ҳурмат ила қадрланиб келинмоқда.

Ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намоёндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодий меросининг энг муҳим ва йириги, шубҳасиз, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, географияси, этнографиясига оид нодир ҳамда қимматли маълумотларни ўзида жамлаган, ўша давр адабий тилининг ёрқин намунаси бўлган "Бобурнома" асаридир.

Бобур ўзининг кечинмаларини мазкур асарида ёрқин ифодалаб, бир рубоийсида шундай ёзади:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу "Вақоеъ"ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

Дарвоқе, асар дастлаб "Вақоеъ", кейинроқ "Воқеоти Бобурий", "Воқеанома", "Тузуки Бобурий", "Бобурия" номлари билан юритилган бўлса-да, кейинчалик "Бобурнома" номи билан шуҳрат қозонди. Тарихий манбаларнинг кўплиги, бойлиги, аниқ ва тўлалиги, ўтмиш воқеаларининг асосан объектив, беғараз ва ростгўйлик билан баён этилиши, пропологик изчиллик, ифоданинг соддалиги ва равонлиги "Бобурнома"нинг тарихий манба сифатидаги афзалликларини ташкил этади. Асар айни шу жиҳатлари билан ҳам ўтмишнинг кўпгина тарих китоблари ва мемуарларидан устун туради. Айтиш жоизки, кўпгина тарихий манбаларда далиллар афсона ва ривоятлар билан, диний ҳадис ҳамда хурофий сафсаталар билан қоришиб кетганини кузатсак, "Бобурнома"да буни кўрмаймиз. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, кўпгина тарих китобларида воқеалар бир томонлама баён этилган бўлса, "Бобурнома"да тарихий воқеалар асосан объектив тарзда тасвирланади. Шунингдек, бошқа тарих китобларида воқеалар мураккаб услуб ва ғализ тил билан баён этилар ва асар гўёки шу орқали "бадиийлаштирилар" эди. "Бобурнома" эса содда услуб, равон, ширали ва бой тил билан ёзилган, жами манзаралар, характерлар содда бадиий тил воситалари билан бадиийлаштирилган асардир. У худди шу жиҳатлари билан бугунги кунда ҳам аҳли илм эътиборини қозониб келаётир, дейиш мумкин.

Асарнинг енгил ўқилиши ва китобхонни ўзига тезда мафтун қилишини машҳур рус шарқшуноси, академик В.Бартольд ҳам эътироф этиб, "Бобурнома"ни "туркча насрнинг энг яхши намуналаридан бири" дея баҳолаганди.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, Бобурнинг йирик ва энг ажойиб асари, уни дунёга танитган "Бобурнома" саналади. "Бобурнома" тарихий-бадиий асар экани баробарида география, этнография, табииёт, халқ табобати ва бошқа илмий соҳалар бўйича ҳам муҳим маълумотлар бериши билан ҳам қимматлидир.

Жасурбек ИЛҲОМБЕКОВ,
Низомий номидаги
ТДПУ қошидаги
академик лицей ўқувчиси

Марафон якунида йиғилган 88200 сўм маблағга мактаб кутубхонаси учун янги алифбодаги бадиий китоблар олиш режалаштирилди.

"Ассалому алайкум! Сенинг севган китобларинг борми? Уларни бошқалар билишини истайсанми? Картотекага ёзиб қўй..."

КИТОБ МАРАФОНИ

28 октябрь Халқаро мактаб кутубхоналари куни деб эълон қилинди. Бу ўз вақтида ва зарур бўлган маънавий баркамолликнинг асосий негизидир, десак янглишмаймиз. Чунки мактаб кутубхоналарининг асосий вазифаси иқтидорли инсонни тарбиялаш, миллий-маънавий бойликни асрашдан иборатдир. Шу муносабат билан Чилонзор туманидаги Ислом Усмонов номидаги 200-мактабда катта тантана бўлиб ўтди. Байрамга хос равишда безатилган мактаб залидаги ноёб китоблар кўргазмаси, ўқувчилар томонидан ишланган реферат, буклет ва деворий газеталар барчанинг эътиборини тортди. Мактаб бадиий ҳаваскорлари томонидан тайёрланган мусиқий чиқишлар тадбирга алоҳида жозиба бағишлади. Китоб ҳақидаги донолар бисотидан олинган қимматли ва ҳикматли фикрлар, шеърлар байрам иштирокчиларига кайфият улашди.

Шунингдек, тадбирда "маҳалла—кутубхона—оила—маҳалла" ва синф ўқувчилари ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилгани намоён бўлди.

Марафон якунида йиғилган 88200 сўм маблағга мактаб кутубхонаси учун янги алифбодаги бадиий китоблар олиш режалаштирилди. Марафонга 6, 8-синф ўқувчилари ва мактаб раҳбари У.Худоёров ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Д.ЮСУПОВА,
ТШХТББ Методик марказ кутубхона иши услубчиси

КИТОБХОНЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Бугунги кунда таълим жараёнида болаларнинг китоб ўқишга бўлган муносабати муҳим масалалардан бири саналади. Китоб ўқимаслик уларнинг мутолаага бўлган иштиёқ ва лаёқатини сусайтириб, бекорчиликка ружу қўйишига олиб келиши мумкин. Айтиш жоизки, китобхонликка қизиқиш бўлмаслигининг сабаблари турлича. Бу маълум маънода болалар адабиёти сонининг етарли эмаслигига ҳам боғлиқдир.

Шу боис мактаб кутубхонаси мутахассислари масаланинг моҳиятини идрок этган ҳолда йиллик ишни режалаштираётганда китобхонликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тадбирларини ҳам кўришлари лозим. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад қироатхонлик учун шароит яратиш, шаҳар(туман) миқёсида уйғун тартибни шакллантириш, мутолаа билан шуғулланаётган ўқувчиларнинг бу жараёнга бўлган муносабатини юксалтиришдан иборатдир. Бу борада, аввало, ёзувчи ва янги номлар ҳақида ҳикоя қилувчи адабиётларнинг китоб-иллюстратив кўргазмаларини ташкил этишга эътибор қаратмоқ лозим. Шунингдек, болалар адабий-бадиий ижодиётига доир фестиваль ўтказиш кенг кўламли иш шакли бўлиб, улар турли номинация (шеърлар, эртаклар, шеърий ёзма дафтарлар, иллюстрациялар) орқали ўз кучларини синаб кўрадилар.

Мактаб кутубхонасининг маданий, ахборот марказига айланиши болалар китобхонлик маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда мактаб кутубхонасида клуб ташкил этиб, у орқали китобхонларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, "Дарсдан сўнг", "Эллания" клублари ёш китобхонларни ўзига кўпроқ жалб этса, "Домовёнок" клуби эса ўз атрофига нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналарини ҳам тўплаши мумкин. Бундай учрашувлар қизиқарли суҳбатлар, учрашув соатларидан тортиб то катта тадбирлар, жумладан, оилавий китобхонликка раҳбарлик қилишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олиши мумкин.

"Мутолаа бошлиғи", "Йилнинг энг яхши китобхони" танловларини ўтказиш ҳам болаларни қизиқтириш, уларнинг фаол китобхонга айланиши имконини беради. Ўтказилган танлов яхши самара берса, уни ҳар йили ташкил этишни йўлга қўйиш мумкин. Танлов якунларини болалар китоб ҳафталиги, китоб байрами кунларида мактаб радиоси орқали маълум қилиш айни муддаодир. Бундай тадбирлар натижаси тўплаб борилиб, бир неча йил ўтгач, кутубхона фахрий дафтарини йўлга қўйиш мумкин. Танловлар ғолиблари бу дафтарга ёзилса, уларнинг номлари кутубхона ва мактаб тарихида қолади. Бу дафтардан ҳар бир ўқув йилига биттадан саҳифа ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Мактабда фахрий дафтар асосида "Энг яхши китобхонлар галереяси"ни ташкил этиш даркор.

Болалар китобхонлигини ошириш кутубхона билан у ёки бу шаҳар(туман)даги манфаатдор ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда ўзаро ҳамкорликдаги мувофиқлаштириш режаларини тузиш ва тадбирларни биргаликда ўтказиш мумкин. Бундай тадбирлар ёш китобхон болаларни "Олтин китоб" фондига жалб этишда ёрдам беради. "Нима? Қаерда? Қачон?", "Ажойиботлар майдони" ўйинлари, шоу-дастурлар, аукционлар, эрудит-лото кабилардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, болаларни қироатхонликка ўргатиш уларда китоб ўқиш техникасини ўстириш, адабиётлардан керакли манбаларни олиш, мустақил равишда библиографик изланишлар олиб бориш кўникмасини ўстиради. Кутубхонада чекишнинг зарари, алкоголликнинг ёмон оқибатларга олиб келишига доир кўргазма-мунозара уюштириш ҳам айни муддаодир. Бу борада "Тенгдош, ўз тенгдошингга жавоб бер?" номли альбомда савол-жавоб усулини қўллаш фойдадан холи бўлмайди. Замонавий ахборотлар бўйича "Маълумотнома бюроси" картотекасидан фойдаланиш ҳам мумкин. Масалан, "Ўзинг ўқиб чиқ, сўнгра бошқалар билан баҳам кўр" деган картотека ва унга "Ассалому алайкум! Сенинг севган китобларинг борми? Уларни бошқалар билишини истайсанми? Картотекага ёзиб қўй..." дея ёзувлар битилиши мумкин. Бу картотека болалар учун ҳақиқий "почта" бўлиб хизмат қила олади.

Янги йил арчасидан "библиография" ўрнида фойдаланиш мумкин. Унда арча шохларига илинган шар, байроқчаларда ёзилган шеър, янги йил табриги орқали китоблар ҳақида маълумотлар берилади. Арчани жиҳозлаш учун болалар журналлари ҳам қўл келади.

Маълумки, кутубхона педагогик жараён билан узвий боғлиқдир. Кутубхоначи билан ўқитувчи ўртасида умумий мақсад бўлиб, бу болаларда китобхонликка қизиқиш уйғотишдан иборат. Кутубхона томонидан ташкил этиладиган суҳбатлар, ўйинлар, викториналардан тортиб, умуммактаб доирасида ўтказиладиган "Очиқ эшиклар куни", "Болалар китоблари ҳафталиги", "Китобхонлар танлови" каби йирик тадбирлар таълим иши учун хизмат қилади.

Кутубхона ўқувчи ёшларда қироатхонлик кўникмасини ўстириб, унинг китобхонлик фаолиятини ривожлантирувчи зиё масканидир. Шу сабабли мутолаа қилиш кўникмасини ўстириш орқали ўқувчиларни фаол китобхонликка жалб этиш давр талабидир.

Барчамизга аёнки, таълим китобдан бошланади. Таълимнинг юксак сифатини эса педагогларнинг юқори ахборот маданияти даражасисиз тасаввур қилиш мушкул. Зеро, бугунги таълим жараёни янгиланиб бормоқда, ўқитиш, дарслик ва ўқув дастурларининг янги технологиялари жорий этилаётир. Ана шу ўзгаришларни тез идрок эта олиш, танқидий фикрлаб, зарур ахборотларни қидириб топиш ва қайта ишлаш масаласи асосий вазифа бўлиб келаяпти. Бироқ, афсуски, ўқувтарбиявий жараёнларнинг ахборотли таъминоти масаласига ҳамон етарли аҳамият берилмаётир. Буни ўқув адабиётлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ваҳоланки, таълимнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳам бадиий, ҳам илмий-идрок, ҳам маълумотнома адабиётлари, ҳам даврий нашрларнинг кенг қамрови лозимдир.

Ўқитувчи кутубхонага шубҳасиз, ахборот олиш учун келади. У кутубхонадан ўзига керакли китобни олади, журнал ёки газета ўқийди. Натижада олинган ахборотларни ўқувчилар билан баҳам кўриб, уларни ҳам китоб билан ошно бўлишга ундайди. Кўриниб турибдики, барча фаолиятда ахборотга бўлган эҳтиёж сезилиб туради. Бинобарин, бундай эҳтиёжни қондириш барча тизимдаги кутубхона ишларида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Кутубхона ўқитувчиларга педагогик кенгаш, илмий-методик кенгаш, методбирлашма йиғилишлари, шунингдек ўқитувчиларнинг аттестация, очиқ дарслар, умуммактаб характеридаги оммавий тадбирларга тайёргарлик кўришида ёрдам беради.

Баён этилган масалаларни ҳал қилиш ҳамда халқ таълими мутахассисларининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда китоб ахбороти манбаи етакчи ўрин тутади. Шу боис кутубхона жамғармасини педагогик ва касбий маҳоратни оширишга хизмат қилувчи адабиётлар билан тўлдириб бориш муҳимдир. Бунда психология ва педагогика, таълим диагностика ва дидактикасига доир нашрлар бўлиши айни муддаодир. Китобларни танлашда тарбиявий, шахс ривожига қаратилган китобларга ҳам эътибор бериш лозим. Кутубхона китоб жамғармасини шакллантиришда газета, журнал, рисолалардан иборат даврий нашрларга обуна бўлиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Бироқ ахборот тўплаш ва уларни жамлашнинг ўзи етарли бўла олмайди. Мавжуд ахборотни китобхонга етказа билиш эса кутубхона ички ахборот ишларини кенг кўламда олиб боришни тақозо этади. Нега? Бу, аввало, жадвалга мувофиқ, олинаётган ахборотни кўриб чиқиш, қайта ишлаш ва жой-жойига қўйишдан иборатдир. Маълумотнома-библиографик аппаратни такомиллаштириш бўйича иш олиб борилганда, биринчи навбатда, ёзилган карточкаларга эътибор берилади. Педагогика ва халқ таълими бўйича газета-журнал мақолалари карточкалари шулар жумласидандир. Китобхонлар талабига кўра, ўқитувчиларга ёрдам берувчи мавзуий карточкалар тузилади ва ҳоказо.

Бундан ташқари, рисола, журнал, газета ва айрим китоб маълумотлари ҳамда таълимий, маданий ва маънавий фаолиятга доир материаллар махсус мавзуий папкада тўпланади. Кутубхона қироатхонасида "Йилнинг йирик саналари" кўргазмали стендини ташкил қилиш тавсия этилади. Бу стенднинг моҳияти қуйидагилардан иборат: катта, оммавий тадбир тарзида ўтказиладиган байрамлар яқинлашганида кутубхонада адабиётлар танланади. Бунда картотекалар асос бўлиб хизмат қилади ва стендга қўйиладиган китобларга қисқача изоҳлар берилади.

Ахборотли варақа ва тавсия этилган адабиётлар рўйхати ҳам ўқитувчиларнинг китобхонлик эҳтиёжини қондирувчи материаллар бўлиб хизмат қилади. Улар янги олинган ва қайта ишланган ахборотлар асосида тузилади. Агар ахборотли варақа кутубхоначи ташаббуси билан тузилиб, ўқитувчини янги ахборот билан қуроллантиришга хизмат қилса, тавсияли рўйхат маълум бир мавзуда қироатхонлик эҳтиёжини қондиришни кўзда тутади. Тавсияли рўйхат ўқитувчилар учун шахсий ёднома вазифасини ҳам ўтайди. Юқори қироатхонлик маданиятига эришган малакали педагогларга библиографик ахборотдан фойдаланиш тавсия этилади. Шу тариқа ўқитувчилар библиографик қўлланма ва адабиётлар билан ишлаш кўникмасини ўстиришга жалб этилади. Бунда китоблар, маълумотнома, нашрга доир ахборот манбаларидан қандай фойдаланиш тўғрисида суҳбатлар ўтказилади. Шу тоифадаги ўқитувчилар учун доимий ҳаракатдаги "Сизнинг – ёш ўқитувчингиз" деган китоб кўргазмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Кўргазма "Педагоглик – ижодий касб", "Эҳтиёж сезилган ўқитувчи", "Халқ педагогикасининг доно ўгитлари", "Замонавий дарс", "Педагогик муомала маданияти" деган мавзулар билан бойитилиши мумкин.

Мактабда ўқитувчилик қилаётган ҳар бир педагог амалда мактаб кутубхонасининг китобхони ҳисобланади. Шу боис уларнинг ҳар бирига кутубхона томонидан ёрдам кўрсатилади. Хулоса қилиб айтганда, педагог фаолияти самарадорлиги қанчалик яхши бўлса, унинг нафақат мактабда ўқитаётган фани, балки бошқа фанлар бўйича ҳам салоҳияти шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун ҳам кутубхона хизматини янада юксалтириш давр талабидир.

Н.МИРОШНИКОВА,
РИПК директор ўринбосари



Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига аталган библиографик кўрсаткич

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИМИЗ ГАРОВИ

Бугунги кунда инсон ҳаёти учун қулай шарт-шароит яратиш, барқарор экологик вазиятни вужудга келтириш муҳим вазифаларидан бири саналади. Шу боис мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий иқлоҳотлар ҳам барқарор экологик вазиятни вужудга келтириш билан бирга олиб борилмоқда. Юртимизда экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари аниқ белгилаб олингани ва бу масалаларни ижобий ҳал қилишнинг барча ҳуқуқий асослари яратилганини таъкидлаш ўринлидир. Чунончи, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ўрмон тўғрисида"ги қонунлар ва "Ер кодекси" ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни амалда жорий қилиш экологик муаммолар ечимини топишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Республика педагогика илмий кутубхонаси, илмий-библиография бўлими шуларни ҳисобга олган ҳолда "Атроф-муҳит муҳофазаси – соғлом турмуш тарзимиз гарови" номли дастур тайёрлади. Ундаги маълумотлардан китоб кўргазмалари, илмий конференциялар ва бошқа турли тадбирларни уюштиришда фойдаланиш мумкин. Бу дастур илмий педагог ходимлар, ўқитувчилар, мураббийлар, мактаб кутубхоначилари, мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари, талаба ва ўқувчиларга мўлжалланган.

ТАЪЛИМ ВА ЭКОЛОГИЯ КЕЛАЖАКНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Экологик таълим-тарбия ўқувчиларда атроф-муҳит, олам ва одам, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига меҳр-муҳаббат муносабатларини шакллантиради. Қуйида берилаётган нашрлардан сиз табиатни ўрганиш, ўқувчи-ёшларга экологик билимлар бериш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш жараёнида фойдаланишингиз мумкин:

1996 йил, 27 декабрь, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун //Ўзб.экологик хабарномаси. 1997. №4. Б.4-7

"Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунни амалга киритиш ҳақидаги Олий Мажлиснинг қарори, 2002 йил 5 апрель //Халқ сўзи. - 2002. 2 май.

"Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонун, 2000 йил, 25 май // Халқ сўзи, 2000 йил, 7 июнь.

"Ўрмон тўғрисида"ги қонун, 1999 йил, 15 апрель, //Халқ сўзи, 1999 йил, 30 апрель.

Рустамов С. "Табиат эъзозга муҳтож: "Экологик таълим", // Туркистон, 2002 йил, 28 май.

Султонов М. "Халқ таълими ва экология: Бугунги муаммолар ечими" // Маърифат. 1997, 29 ноябрь.

Турдиқулов Э. "Экологик таълим ва давлат таълим стандарти" //Маърифат. 2000 йил, 8 март.

Турдиқулов Э. "Экологик таълим муаммолари" // Халқ таълими. 1997 йил. № 2. Б. 101-104.

Турдиқулов Э. "Экологияга оид тестлар: Методик машғулотлар" /Халқ таълими. 1997 йил. № 3. Б.94-101.

Тўраева С. "Болаларни табиат билан таништиришда мактаб ва оила ҳамкорлиги" //Халқ таълими. 1997 йил, № 4. Б. 99-101.

Тўхтаев С. "Экология: Педагогика институтларининг талабалари учун ўқув қўлланма". Т.Ўқитувчи, 1998-192б.

Узлуксиз экологик таълим концепцияси: Экология фанидан давлат таълим стандартлари. Т. Биоэкосан, 2002-25б.

Эгамбердиев Р, Эшчонов Р. Экологик мониторинг — ҳаётий масала: Экологик таълим // Илм сарчашмалари. 2001 №1 Б.60-61.

Экологиядан асосий атама ва иборалрнинг изоҳли луғати: Экология ва саломатлик тест саволлари. Т.Биоэкосан, 2001-140б.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби: Ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик ва ҳайвон турлари: 2 жилдлик. Т.:ЧиногЭНК, 1998-336б.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

Экологик хавфсизликни таъминлаш масаласи жуда кўплаб муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ, албатта. Қуйида келтирилаётган нашрлар инсоннинг яшаш муҳити, табиат ва маъанавият экологиясининг бир-биридан ажралмаслигини исботлаши билан бир қаторда Сизга иш жараёнида асқотади, деган умиддамиз:

Абдуллаев О. Худойқулов А. "Экология — умумбашарий муаммо" // Илм сарчаш. 2002. № 2. Б.14-17.

Алиқулов А, Низомов Ф. "Алишер Навоий асарларида табиатнинг эъзозланиши ҳақида" // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1994. № 1-2.Б.38-42.

Бобоназаров F. "Мафкура ва экологик муаммолар: Экологик тарбия" // Мулоқот. 2001. №4.Б.21.

Дўсчонов Б. "Авесто" ўгитлари: Табиатга озор етказма" // Халқ сўзи. 2000, 19 май.

Эгамбердиев Р, Султонов И. "Амударёнинг қуйи оқими экотизимининг ўзгариши ва унинг инсонлар соғлиғига таъсири". Экология // Илм сарчашм. 2002, № 1, Б.57-59.

Ҳошимова М. "Маънавият ва экология". // Таълим ва тарбия 2002, №1, 2,Б,51-54.

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Сув тоза экологик муҳитнинг ажралмас қисмидир. Сувнинг турли сабаблар билан ифлосланиши эса унинг таркибида заҳарли моддаларнинг келиб чиқишига олиб келмоқда.

Мазкур муаммоли вазифаларни ечиш ва уларни бартараф этиш мақсадида қуйида келтирилаётган нашрлардан фойдаланишни тавсия этамиз:

Ашурова Б, "Сув билан суҳбат" //Бошланғич таълим. 1995,№3-4.Б.13

Жўраев Ю. "Тириклик манбаи: ТДИ ва КҲМ муҳандислари институти талабалари барча ёшларни сувдан оқилона фойдаланишга чорлайди" //Туркистон. 2002, 28 февраль

Маннонов А. "Тоза сувни исроф қилиш — гуноҳи азим. Пойтахтимизнинг айрим ҳудудларида сувни исроф қилиш, ундан хўжасизларча фойдаланиш ҳоллари учрамоқда". Ишонч. 2002, 19 февраль

ОРОЛ МАДАД СЎРАЙДИ

Асосий экологик муаммолардан бири — Орол муаммоси. Орол денгизи танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиага айланди.

Қуйида келтирилаётган адабиётлар Орол бўйидаги экологик фалокат оқибатларини бартараф этишда уюштирилаётган тадбирларда асқотади ҳамда уни мазмунан бойитишга хизмат қилади ва ёрдам беради, деб умид қиламиз:

Муротов О. "Орол бўйидаги умид қўрғони" //Ўзбекистон овози. 1997.2 август

Ортиқов А. "Бирлашган ўзар: Орол муаммосини дўстлик енгади"/Халқ сўзи. 1999 йил, 13 апрель

Утеулиев У. "Барханлар орасидаги кема: Орол дарди — олам дарди: Орол ҳақидаги музей фаолияти" //Туркистон 1997 йил, 2 август.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ — ЭЪТИБОРДА

Атроф-муҳитни тоза-покиза асраш қадим-қадимдан ота-боболаримиз, аждодларимиз руҳияти, маънавиятига сингиб, кундалик одат тусига кириб қолган, десак янглишмаймиз. Ер, сув, ҳаво, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, ҳаёт манбалари ва яшаш воситаларини эҳтиёткорона сақлаш, эъзозлаш улар учун маънавият мезони ҳисобланган. Баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, эътиборингизга қуйидаги нашрлар тавсия қилинади:

Амонов Х, Сафарқулов Ш. "Табиат ҳатти-ҳаракатларимиздан безор бўлмоқда". Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида // Маърифат 2001, 15 декабрь.

Асил А. "Гўзаллик тўкис бўлиши керак. Атроф-муҳит ва мувозанат" // Халқ сўзи. 2000, 25 февраль

Ботиров, Мадраҳимова Ш. "Табиатни асраш — фарзандларимизни асрашдир" Анжумандаги докладлар // Маърифат 2000, 3 июнь.

Шодиев М. "Ҳар биримиз масъулмиз". "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида" // Ишонч 2000, 11 ноябрь

ФИКРЛАЙМИЗ, ИЗЛАНАМИЗ, ЮЗАГА КЕЛТИРАМИЗ!

Урганч шаҳридаги инглиз тилини чуқур ўргатувчи 27-бошланғич мактабга 1999 йилда асос солинган эди. Мактаб директори Нодира Вапаева кўпгина муаммолар қаторида ўқувчилар учун ахборот, уларнинг қўшимча таълими, дам олишни таъминловчи марказ сифатида мактаб кутубхонасини юзага келтириш масаласини ҳам бир йўла ҳал этди. Ўқувчилар шахсини шакллантириш ва ривожлантириш асосида уларнинг таълимий фаолияти жараёни асосида китобнинг тутган ўрни ҳисобга олиниб, мактаб кутубхонаси жамғармасини шакллантиришга асосий эътибор берилди. Китоб жамғармасини тўлдириш учун эса турли манбалардан фойдаланилди.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, хорижий давлатлар, уларнинг маданий марказлари билан алоқалар йўлга қўйилди. Бу эса ўз навбатида халқ таълими тизимидаги кутубхоналар жамғармасини хорижий тиллардаги адабиётлар билан бойитиш имконини яратди. Чунончи, ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, АҚШлик волонтёр Ребекки Шайп совға сифатида мактаб кутубхонасига инглиз тилидаги болалар китобларидан 200 нусхасини тақдим этди.

Бугунги кунда мактабнинг ҳар бир синфида кутубхонача ташкил этилган бўлиб, куни узайтирилган гуруҳлар машғулотларида синфдан ташқари мутолаага катта аҳамият берилмоқда. Педагогик жамоа ҳам, кутубхоначи ҳам ўқувчиларнинг қироатхонлик маданиятини ўстириш, малака ва билимларни ўзлаштиришда турли хил ахборот манбалари, биринчи навбатда китобдан фойдаланиш қобилиятли инсонни шакллантиришда муҳим ўрин тутишини аллақачон англаб етишган.

Кутубхона фаолиятини режалаштириш мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари билан яқин ижодий алоқада ўқув-тарбиявий ишларнинг йиллик режасига мувофиқ аниқ ташкил этилади. Мактаб кутубхонаси ишини режалаштириш эса мутолаа қилишга ўргатиш, ижодкор китобхонни тарбиялаш, ёш авлодни китоб ўқишга жалб этишдан иборат муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим. Шу боис фан ҳафталиги, муҳим саналардан бирортаси кутубхона иштирокисиз ўтказилмайди. Чунончи, биринчи синфлар учун уюштириладиган "Она тили ҳафталиги"да мактаб кутубхонасига экскурсия ташкил этилиб, кутубхоначи болаларни "Эртакли алифбе" билан таништиради. Ҳали яхши мутолаа қилишга улгурмаган бола рангли суратларни томоша қилар экан, унга таниш бўлган эртак қаҳрамонларини эсга олади. Кутубхоначи кичик китобхонни ҳар томонлама ривожлантириш учун турли иш усулларидан фойдаланади. Ўқиш жараёни расм чизиш, ўйинлар билан боғланиб кетади.

Тўртинчи синф ўқувчилари учун эса буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий юбилейига бағишланган "Кўргазма-мулоқот" иллюстрацияси ташкил этилди. Бу кўргазмадан кўзланган асосий мақсад муайян мавзудаги энг яхши адабиётлар билан таништиришдир.

Кутубхоначи ўқувчилар билан бирга кўргазмага китоблар танлайди. Китоблар кўргазмасида танловлар, викториналардан иборат ижодий топшириқлар берилади. Шундай қилиб, кутубхоначи китобхонлар билан мулоқотни йўлга қўйиб, кўргазма қиёфасини англашга эътиборни қаратади ва уларни суҳбатга қўшилишга қизиқтиради.

Кутубхона ишидаги йирик тадбирлардан бири — ўқувчилар маънавиятини ўстириш, уларда идрок этиш, бадиий — ижодий фаолиятни ривожлантиришдан иборатдир. Айнан шу мақсадда 2001 йилда кутубхона негизида "Ёш китобсеварлар" клуби ташкил этилди. Клуб иши қуйидаги йўналишда олиб борилади:

1. "Ёш кутубхоначи" клубида ижодий машғулотлар кутубхонадаги амалий ёрдам билан уйғун ҳолда олиб борилади. Булар дарсликлару бадиий адабиётларни таъмирлаш, оммавий тадбирларни ўтказишда қатнашиш ва бошқалардан иборат.

2. "Журналистлар иттифоқи" клубини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад эса китобхонлар билан биргаликда оддий қироатхондан тортиб, то китобни, кутубхонани қадрлайдиган билимдонларгача йўлни босиб ўтишдан иборат.

Ўқувчилар ахборот тўплаш билан шуғулланиб, ўтказиладиган суҳбатлар учун материаллар тўплашади, стендлар альбомларини тузишади. Иш режасига ахборот-библиографик маданиятни шакллантириш бўйича айрим кутубхона машғулотлари ҳам киритилади. Ўқувчиларнинг ахборот бўйича ўз-ўзида билим ва кўникмалар ҳосил қилиши учун мактаб кутубхонаси ўқувчилар фаоллиги ва мустақиллигини рағбатлантириб, уларни мунозара ва муҳокамага жалб этиш кўникмаларини ўстиради.

3. "Шеърхонлик иттифоқи" клуби шеърият, мумтоз адабиётни севадиган ҳамда шеър ёзишни машқ қиладиган ҳаваскор ёшларни бирлаштиради. Клубнинг асосий мақсади ўқувчиларни поэзияга қизиқтириш, унга меҳр уйғотиш, ижодий фикрлашга ўргатишдан иборатдир.

"Ёш китобсеварлар" клубидаги машғулотлар эса ўқувчиларда белгиланган мавзу бўйича оммавий маълумотларни тайёрлаш кўникмасини ўстиришга ёрдам беради. Клуб аъзолари мактаб линейкасида ўқувчиларни адабиёт янгиликлари, турли тадбирлар билан таништиришиб, уларни бирга бўлишга даъват этадилар.

Кутубхонанинг ўлкашунослик бўйича орттирган тажрибаси ҳам диққатга сазовордир. Бу ерда жорий йилда этнографик музей очилганини таъкидлаш жоиз. Музей материалларини тўплашда ўқитувчию ўқувчилар, ота-оналар фаол қатнашишди. Музей экспонатлари томошабинни халқ урф-одатлари, анъаналари, маданияти, миллий байрамлари, маънавий ва тарихий бойликлар материаллари билан таништиради.

Кутубхоначи ўқувчилар билан изчил равишда "Узбекистон халқлари миллий либослари", "Хоразмнинг халқ амалий санъати" каби мавзуларда суҳбатлар ўтказади. Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларнинг китобхонлигига раҳбарлик қилиш борасидаги мактабнинг ёш кутубхоначиси, бутун педагогик жамоасининг ёш китобхонлар билан олиб бораётган тарбиявий ишлари, албатта, ўз самарасини беради.

Р.РАТНЕР

Инсонлар неча минг йиллардан бери ўзлари ва яқинлари ҳаётн тажрибасидан кузатиб хулосага келдиларки: ҳаракатчанлик — фароғат, кам ҳаракатлик — бахтсизлик ва нимжонлик. Шу икки хил ҳолат инсон тақдирини икки йўналишда олиб кетади:

Тўқизта гуруҳнинг "Малҳам", "Кўзмунчоқ", "Нафис", "Орзу" каби номлар билан номланишида ҳам рамзий маъноларнинг бор. Чунки бу болаларнинг барчаси нафис, малҳамга муҳтож, кўзмунчоқлар тақилган қўлларини баъзилари ҳаракатлантира ҳам олмайдилар, орзулари эса беҳаёдир.

РОССИЯ МАКТАБЛАРИДА ЯНГИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

"Йил ўқитувчиси" ҳудудлараро клубининг йиғилишида сўзга чиққан Россия таълим вазири Владимир Филиппов, 2004—2005 ўқув йилидан ўқувчилар билимини баҳолашнинг янги тизими амалиётга жорий этилишини айтди. Унинг фикрича, янги баҳолаш тизими 10, 20, 50, ҳатто 100 балли шкаладан иборат бўлиши мумкин. "Биз "2" баҳога лойиқ ўқувчига "3" баҳо қўйилишини талаб этамиз. Ваҳоланки, ўқитувчилар ёмон ўзлаштирган ўқувчига "2" қўйилиши тарафдорилар. Бизда айни вақтда "3", "4" ва "5" баҳо қўйиш мавжуд, "2" ёки "1" баҳо қўйиш эса умуман йўқ", деди таълим вазири. "3", "4" ва "5" балли тизимдан воз кечиб, янги услубга ўтилса, "2"чиларнинг муаммоси ҳал этилиб, ҳар бир ўқувчи қай даражада ўзлаштирса, шунга қараб балл қўйилишига эришилади. Ҳозирда Россияга қўшни бўлган Беларус ва Украинада ҳам собиқ иттифоқнинг 5 балли баҳолаш тизимидан воз кечилган.

БУГУН ТЕКШИРУВ БОШЛАНАДИ

4 йиллик танаффусдан сўнг халқаро инспекторлар гуруҳи бугун Бағдодда ўз ишини давом эттиришни бошлайди. Ироқ ҳукумати билан музокаралар олиб боргач, Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгашига ҳисобот берган инспекторлар раҳбари Ханс Бликс, агарда Бағдод ўзининг оммавий қирғин қуроллари дастури йўқлиги ҳақидаги фикрида турадиган бўлса, у ҳолда аниқ ва ишонарли маълумотни тақдим этиши шартлигини айтиб, Саддам Ҳусайн маъмуриятини огоҳлантирганлигини билдирди.

БРИТАНИЯНИНГ ЭНГ БУЮК ШАХСЛАРИ

Буюк Британиянинг ярим миллиондан ортиқ аҳолиси иштирок этган умуммиллий сўровларда мамлакатнинг собиқ бош вазири Уинстон Черчилль Британия тарихидаги энг буюк шахс деб топилди. 100 нафар номзодлар учун овоз берган иштирокчиларнинг 447 минг нафари мамлакатнинг биринчи шахси сифатида Черчилль номини кўрсатганлар. Шунингдек, Изамбард Киндом Брунел иккинчи, Малика Диана учинчи, Чарльз Дарвин тўртинчи, Уильям Шекспир бешинчи, Исаак Ньютон олтинчи, Жон Леннон еттинчи, Елизавета I саккизинчи ўринларга лойиқ топилганлар.

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА СУИҚАСД

Туркманистон президенти Сапармурод Ниёзов душанба куни эрталаб соат 7⁰⁰ да ўз хизмат жойига келаётган вақтида, унинг кортежига қуролли ҳужум уюштирилган. Машиналар кортежи Ашхабод марказидаги Туркманбоши проспектидан ўтаётган вақтда "КамАЗ", "БМВ", "Газель" машиналари турган жойдан уларга қарата автоматдан ўқ узилган. Президентга шикаст етмаган, лекин йўл назорати хизматининг ходими жароҳатланган.

Сўнгроқ телевидение орқали чиқиш қилган, Туркманистон раҳбари ушбу суиқасдга собиқ ташқи ишлар вазири Борис Шихмуродов, собиқ қишлоқ хўжалиги вазири Имомберди Иқлимов, собиқ элчи Нурмуҳаммад Ханамов ва Марказий банкнинг собиқ раиси Худойберди Оразовлар жавобгар эканлигини айтди.

ҒАЗО СЕКТОРИДА ИСРОИЛ ҚЎШИНЛАРИ

"Reuters"агентлигининг хабар беришича, Исроил қўшинлари Ғазо секторининг марказий қисмига бостириб кирганлар. Ҳужум ХАМАС гуруҳи аъзолари қидирилаётган вайрона уйда жангарилар билан юз берган қуролли тўқнашувдан сўнг бошланган. Ва Исроил танклари ҳамда бронетехникалари вертолётлар кўмагида қочоқлар лагери жойлашган Дейр—аль—Бала шаҳрига юриш бошлаганлар. Гарчи, Исроил томони мазкур амалиётни шарҳлашдан бош тортган бўлсада, лекин, фаластинликлардан қурбон берилганлиги айтилмоқда.

РАКЕТА СИНОВИ

РИА "Новости"нинг хабар беришича, Хитой ўзининг "Дун-Фэн—31" номли баллистик ракетасини синовдан ўтказди. Учиш имконияти 8 минг километргача бўлган "Дун—Фэн—31" Учжай полигонида синовдан ўтказилган. Ҳозирга қадар Хитой ўзининг бундай амалиётлари борасида ҳеч бир хорижий давлатни хабардор этмаган.



ҲАР ЙИЛГИ АСКАРЛАР ЎЛИМИ

Аскар оналари қўмиталари иттифоқи масъул котибининг айтишича, Россия қуролли кучлари сафига чақирилган аскарлардан ҳар йили 2 мингга яқини ножанговар ҳолатларда ҳалок бўлмоқдалар. Лекин мудофаа вазирлиги 2001 йилдан буён аскарлар ўлими борасидаги маълумотларни ошкор этганича йўқ. Аммо, сўнгги уч йил ичида Чечен уруши туфайли 2678 нафар аскар ҳаётдан кўз юмган.

"Интернет"тармоғидан олинди.

Milliy o'yinlar

ОИЛАВИЙ ҚУВЛАШМАЧОҚ

Бу миллий ўйин нафақат оила аъзоларининг барчасини соғломлаштиради, ишчанлигини оширади, ҳаётларини қувноқликда кечишига хизмат қилади, балки уларда аҳиллик, бир-бирини тушуниш, қўллаб-қувватлаш жиҳатларини ҳам шакллантиради. Ишлов берилган ҳовли кундан кунга чирой очиб, ҳуснига ҳусн қўшилганидек, шу хонадон кишилари ҳам қувлашмачоқ машқларига киришгач, таналаридаги ғубор енгиллашганини, кўнгилда ички қувончни, ҳаётни олдиндан лаззатлироқ сезадилар.

Қувлашмачоқ ҳақида сўз бошлашдан олдин мавзуга боғлиқ баъзи нарсаларни айтиб ўтсам. То мустақиллик йилларигача бўлган 65 йиллик умримда жисмоний тарбия ва спортга ҳозиргидек чуқур эътибор ва ғамхўрликни кўрган эмасман. Мусобақалар спорт хиллари бўйича ўтказилиб турилардию, оммавий спорт мусобақаларига кўпчиликни жалб қилиш кузатилмаганди. Ҳозир бизда кенг тарқалган миллий спорт турлари кундан-кунга оммавийлашиб бормоқда.

Инсонлар неча минг йиллардан бери ўзлари ва яқинлари ҳаёти тажрибасидан кузатиб хулосага келдиларки: ҳаракатчанлик — фароғат, кам ҳаракатлик — бахтсизлик ва нимжонлик. Шу икки хил ҳолат инсон тақдирини икки йўналишда олиб кетади:

Биринчиси: инсон лоқайд, унинг тана аъзолари ҳаракат билан юкланган эмас, тўқималар системаси заиф ишлайди, ҳаракатларга мосланганлик жараёнида сўниш давом этмоқда, яшашга интилиш қобилияти йўқотилган.

Иккинчиси: Кичик ҳажмдаги оқсил тўқималари кичкина фаолият имкониятлари билан шиддатли ишга киришди. Оқсиллар миқдори оша бошлайди, одам аъзоларининг иш-хизматлари жадаллашиб, мушаклар катталашади.

"Оилавий қувлашмачоқ" халқимизнинг энг мақбул ва энг таъсирли миллий ўйинларидан. У аввал ота-онанинг, сўнг ёшига қараб оила аъзоларининг ўзига муносиб ҳурматини анъанавий тўлаликда тиклайди. Оила улуғларининг тарбиядаги тажрибаси ўйиндагина эмас, ҳаётнинг хилма-хил тасодифида тарбияни пухта тушуниб олиш ва уни жорий қилишга хизмат қилишни талаб этади.

Ўйинда оила аъзолари икки гуруҳга бўлинадилар. 11 ёшдан катталар ўз жинсларига қараб, алоҳида жамоага бўлиниб ўйнайдилар. 11 ёшгача бўлганлар эса, жинсидан қатъи назар катталар жамоасининг истаган бирига қўшилишлари мумкин.

Оила аъзолари ёши, саломатлик даражаси, Алпомиш ва Барчиной тестлари талабларига асосан, ўқув муассасасида эришган кўрсаткичлари доирасида дастлабки финал ва финиш чизиқлари ва бошқаларни белгилаб чиқадилар. Бу хосиятли ишнинг келтирадиган мевасини қайд этиш рўйхати, ҳафта охирида натижани ҳисоблаб чиқиб ўзгаришларни таққослаш ва бошқа тадбирлар таркиби, иштирокчилари белгилаб олинади.

13	12	11	10	9	8	7	6	5	4	3	2	1

МУСОБАҚА БОШЛАНАДИГАН ТОМОН

Иловалар: № 1-13 чизиқлар оила аъзоларининг тест кўрсаткичлари ҳозирги аҳволи асосида ёзилади;

— аёлларнинг оилавий бандлиги туфайли, биринчи бўлиб улар ва ўша жамоадаги болалар қувлашмачоққа тушадилар;

— аёллар жамоаси югуришларининг натижасини ҳисобчи қайд қилиб бўлгач, эркаклар жамоаси мусобақага тушадилар;

— саломатлиги югуришга имкон бермайдиганлар, бириктирилган соғлом аёл ёки эркак ёрдамида имконият даражасидаги масофани босиб ўтадилар;

— бу мусобақаларнинг ҳар 28 кунлик кўрсаткичларидаги фарқи ҳисоблаб чиқилади;

— ҳафта тугамай масофа ўзгартириш зарур бўлиб қолса, имконият етарли бўлган марра ва тадбир маслаҳатлашилади.

Ф.НАСРИДДИНОВ,
профессор

МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛАДИ

"Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди"

Ислом Каримов

Aks-sado

Халқимизнинг азалий орзулари ушалган — Мустақиллик, Истиқлол, ўзлигини билдирадиган, кўрсатадиган замонлар келди. Ўзбек деган миллатни бутун жаҳон, дунё тан олганини бир неча мисолларда кўрсатиб ўтишни жоиз деб билдим.

Сўнгги йилларда давлатимизда ёш, соғлом авлодга катта эътибор берилаётганлигини бутун дунё ҳавас билан тан олмоқда. "Спорт одамни мард, матонатли, бардошли, қилиб тарбиялайди" — деган сўзларида Президентимиз чуқур ва узоқни кўзлашлари яққол намоён бўлди. Республика талабалари ўртасидаги "Универсиада" спорт ўйинлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўртасидаги "Баркамол авлод", умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари иштирокидаги "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ёшларни спортга узлуксиз жалб қилиш, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга, уларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтиришга, чиниқтиришга, ғалабага интилишга, спортнинг олимпия, оммавий, ҳаракатли ва миллий турларини янада ривожлантиришга қаратилганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги 2002 йил 24 октябрь 3154-сонли Фармони биз мураббий-ўқитувчиларни жуда руҳлантириб юборди.

Ушбу Фармонни мактаб педагогика кенгашида ўқиб, муҳокама қилдик. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бир овоздан қўллаб-қувватладик. Режалар тузиб, шу асосда ишларни бошлаб юбордик. Мактабимизда ички имкониятлардан келиб чиқиб ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида спорт тўгараклари доимо иш олиб бормоқда. Мусобақаларни тартибли ўтказиш, ўқувчиларни тўгаракларга кўпроқ жалб қилиш ва уларни моддий рағбатлантириш ишлари йўлга қўйилди. Фаол иштирок этган синфлар, ўқувчилар диплом ва "фахрий ёрлиқ"лар билан тақдирланмоқдалар.

Шу ўринда ютуқларимиз билан ўртоқлашиш баробарида айрим муаммоларни кўрсатиб ўтиш жоиздир. Спорт анжомлари — тўп, гимнастика ускуналари, арқонлар, спорт тўшаклари, стол тенниси, ракеткалари кўп мактабларда етишмаслиги, ўқувчилар билан машғулотлар олиб боришда қийинчиликлар туғдирмоқда. Ўйлаймизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори ушбу муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Зероки, "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", деган шиор билан яшашимиз, меҳнат қилишимиз — давр талабидир. Ушбу жамғарма болалар спортини ривожлантиришда туб бурилиш ясайди, деган умиддаман.

Адҳам ЮСУПОВ,
Юнусобод туманидаги Ю.Мўминов номли 274-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси

Maxsus ta'lim

ЮРИШ ОРЗУСИДАГИ БОЛАЛАР

уларга ғамхўрлик кўрсатилмоқда

Бола дунёга келган кундан бошлаб, давлат ва жамият ҳамда ота-она зиммасига уни соғлом, ақлли, хушхулқли қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилади. Давлат ва жамиятнинг келажаги ёш авлоднинг қандай вояга етишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўз навбатида жамият тараққиёти миллатнинг маънавий даражаси билан белгиланади.

Ана шу миллат даражасини белгиловчи авлодга тарбия ва билим бериш, уларни тўғри йўлга йўллай олиш учун республикамизда ибратли ишлар қилинаётганлиги сир эмас.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар ҳам бу борада бир қанча ҳуқуқларга эгадирлар. Яшаш ҳуқуқи инсоннинг узвий ҳуқуқи бўлгани каби, болаларнинг мактабга тайёрланишлари ҳамда таълим-тарбия олишлари, ота-она ва мураббийлари томонидан кўрсатиладиган эътибор ва парвариш ҳам улар ҳуқуқлари сирасига киради.

Бу борада соғлом болалар билан бирга жисмоний жиҳатдан заиф, туғилганида, сўнгра яшаш давомида орттирган нуқсони бўлган болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликларни айтиб ўтиш зарур.

"Ўзбекистонда Республикасида мактабгача таълим тўғрисида"ги Низомнинг 3.5-бандида "Ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсонлари мавжуд бўлган ёки саломатлиги заифлашган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасалари ёки гуруҳлар ташкил этилади. Бу муассасаларга болалар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари тузилмасида ташкил этилган ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари томонидан берилган хулоса асосида қабул қилинади. Мазкур муассасалардаги гуруҳларда болалар сони касаллик турига қараб олти нафардан ўн нафаргача бўлиши керак" дейилган. "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 23-24-моддаларида ҳам жисмоний ва руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш қайд этилган.

Юқорида тилга олинган ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ногирон болаларнинг соғлом жамиятга уйғунлашувини таъминлаш мақсадида Қўқон шаҳрида ҳам бир мунча ибратли ишлар қилинаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Қўқон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли "Саховат" номли 64-боғча-мактаб мажмуаси ҳам церебраль фалажлик касаллиги билан касалланган болаларга таълим-тарбия бериш, уларни соғлом тенгдошлари каби фикрлашга, қобилиятларини ўстиришга қаратилган вазифаларни бажариш ниятида ташкил қилинган.

Фарғона вилоятида ягона бўлган ушбу муассасага тажрибали педагог Зебохон Юсупова раҳбарлик қилади. Бу ерда 103 нафар таянч-ҳаракат аъзолари ши-кастланган, ақли заиф, мураккаб нуқсонли болалар ҳам парвариш қилинади, ҳам таълим олишади.

—Ушбу даргоҳни ташкил қилиш, албатта осон кечмади, - дейди Зебохон Юсупова. — Биз пойтахтдаги худди шундай боғча-мактаб мажмуаси иш фаолияти билан батафсил танишдик, у ердаги ходимлардан кўп нарсаларни ўргандик. Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарлари ёрдамида ўтган йили қаровсиз боғча биносини қайтадан таъмирладик, зарур жиҳозлар билан жиҳозладик. Мажмуамиз 60 нафар тарбияланувчи билан иш бошлади. Дастлаб шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимидан, шаҳримиздаги барча поликлиникалар, касалхоналардан нуқсонли, таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган болалар рўйхатини олдик. Рўйхатдаги болаларнинг ота-оналари билан мулоқотлар ўтказиб, янги таълим даргоҳининг вазифаларини сўзлаб бердик. Натижада рўйхатларда қайд этилмаган болаларнинг ота-оналари ҳам фарзандларининг эртасини ўйлаб бизга мурожаат қила бошладилар.

Бугунги кунда уч гуруҳга бўлинган биринчи синфда ўн саккиз нафар болакай нутқ ўстириш, энг оддий ва содда элементларни чизишни ўрганишмоқда. Булар эмбицил, дибел гуруҳлари деб ҳам аталади.

Болалар бу ерда нафақат савод чиқаришади, балки даволанишади ҳам. Физиотерапия хонаси, парафин билан даволаш, фитобар, барчаси улар учун ишлайди. Тиш шифокори, педиатр, ортодонт ҳам болалар хизматида. Тарбияланувчилар ҳафтада икки марта чўмиладилар. Шаҳримиздаги 4-касалхона раҳбарлари болажонлар учун икки дона УВЧ аппарати совға қилишмоқчи.

Тўқизта гуруҳнинг "Малҳам", "Кўзмунчоқ", "Нафис", "Орзу" каби номлар билан номланганида ҳам рамзий маънолар бор. Чунки бу болаларнинг барчаси нафис, малҳамга муҳтож, кўзмунчоқлар тақилган қўлларини баъзилари ҳаракатлантира ҳам олмайдилар, орзулари эса беҳаёдир.

Мажмуа ҳовлисига экилган гулларга ҳам куз ўз таъсирини ўтказмасдан қолмабди.

—Ҳар бир гуруҳнинг ўзига қарашли гулзори бор. Илк баҳор кунлариданоқ мана шу гулзорларга хилма-хил гулларни эккандик. Ўтган вақт давомида болаларимиз гўзалликдан завқлана олиш, меҳнат қилиш каби кўникмаларни ҳам ўзлаштириб олдилар. Энг қувонарли жиҳати шундаки, бизнинг меҳнатларимиз самараси ўлароқ олти ёшли бир боламиз аста-секин юришни ўрганди, бир неча нутқи равон бўлмаган кичкинтойларнинг гапириш қобилиятлари тикланди,- деди мажмуа раҳбари ғурур билан.

Иш бошлаганига унча кўп бўлмаган ушбу мактаб-мажмуа ходимларининг яна бир эзгу ниятлари бу ерга Фарғона вилоятида яшаётган мактабгача таълим ёшидаги ногирон болаларни қабул қилиш, уларни соғлом тенгдошлари сафига қўшишдир.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

ҲАММА ХУРСАНД БЎЛГАН КУН

Яқинда пойтахтимиздаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида халқ таълими тизимидаги ташкилотлар фахрийлари ўртасида ташкиллаштирилган шахмат мусобақаларининг республика якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан ҳамда Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан ғолиб иштирокчилар қатнашдилар. "Ақл гимнастикаси" номини олган ушбу спорт тури беллашувида фарғоналик М.Искандаров 5,5 очко жамғариб, мусобақанинг республика ғолиби деган номни қўлга киритди. Наманган вилоятидан келган А.Иномов иккинчи, Навоий вилояти вакили У.Умиров учинчи ўринга лойиқ топилдилар.

Ғолибларга Халқ таълими вазирлигининг махсус дипломлари ва мукофотлари топширилди.

Зеро, бу мусобақани ўтказишдан мақсад, шахматни кексалар ўртасида оммавийлаштириш, уларни спорт ўйинларига узлуксиз жалб қилиш, кексайган чоғларида ёлғизлатмаслик ва кўнгилларини кўтариш, умрларини узайтиришдан иборат эди. Мусобақа сўнгида ташкиллаштирилган бир пиёла чой устида фахрийлар юзидан ана шу жиҳатларни илғаб олдик.

МУХБИРИМИЗ

Институт Открытое Общество—Фонд Содействия в Узбекистане

объявляет открытый конкурс на участие в семинаре

"ШАГ ЗА ШАГОМ" ПРОГРАММА ДЛЯ ДЕТЕЙ, УЧИТЕЛЕЙ И РОДИТЕЛЕЙ"

На семинаре будет представлена новая учебная программа "Шаг за Шагом" (Step by Step), включающая методы обучения детей в возрасте от 0 до 10 лет. Для участия в конкурсе приглашаются все заинтересованные лица, работающие в области дошкольного и начального образования РУз.

Даты и место проведения семинара: 10—11 декабря 2002 года, г.Ташкент

Для участия в конкурсе необходимо предоставит:

— резюме

— обоснование участия (не более одной страницы)

Документы будут приниматься в ИОО—ФС Узбекистан до 4 декабря 2002 г.

За дополнительной информаций обращайтесь в Институт Открытое Общество — Фонд Содействия в Узбекистане (ИОО—ФС Узбекистан) к Светлане Тен:

700031, г.Ташкент, ул. Зарбог, 31 (ориент.гостиница "Россия"). Тел.: (371)1205010, 1205011, 1205408, 1205409, 1205410; Факс: (371)1206854 или на вебсайте: http:// www.osi.uz E-mail: Svetlana@osi.uz

Ўрта Чирчиқ туманидаги 35-ўрта умумтаълим мактабини тамомлаган Мавлянов Абдулатиф Абдумажитовичга 1990 йил 28.06да берилган №089614 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Зангиота тумани ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор Жукимбаев Мейрам Муздабаевичга 2002 йилда берилган хусусий тадбиркор юмалоқ мухри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Зангиота тиббиёт коллежининг 2002 йилда олган думалоқ гербли муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоат ташкилотлари университетнинг Бадиий графика факультети Чизма геометрия, чизмачилик ва уни ўқитиш методикаси кафедра мудири Азимжон Аширбоевга отаси

Озодбек АШИРБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоат ташкилотлари университетнинг Олий ўқув юртлариаро илмий-методик ишларни мувофиқлаштириш бўйича проректори, профессор Самихон Аширбоевга акаси

Озодбек АШИРБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоат ташкилотлари, ўзбек тили ва адабиёти факультети жамоаси "Ҳозирги ўзбек адабиёти" кафедрасининг профессори, педагогика фанлари доктори

Тўхта БОБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари, қариндошлари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Тошкент вилоят давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва кўп сонли жамоаси институт ректори, филология фанлари доктори Ҳасан Қудратуллаевга синглиси

РАҲБАРОЙнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Чунки у ҳу-у 4-синфимизда имтиҳон топшираётган пайтимизда турникда 4 марта тортинган эдим, "йўқ, Умид 5 марта тортинди", деб менга "беш" баҳо қўйган эди.

"Помидор жанги" — испанларнинг энг қадимий миллий ўйинларидан бўлиб, бу асосан пишиқчилик даврига тўғри келади.

Ko'ngil bitiklari

ТОҒ ҚИЗИ

Шаҳарнинг ой қизлари
Терар киприк, қошгача.
Тоғ қизига тараф йўқ,
Тоғ қизлари бошқача.

Сутдай оқу, тунлари
Ой нурига чўмилар.
Момоқаймоқ қизларжон
Гуллар ичра кўмилар.

Юзлари ол олмадай,
Олма қандай карсиллар.
Юзларига термулсам
Юрак қурғур чарсиллар.

Гул қизларга гул бериб
Гул кўнглин ололмайсан.
Содда момоқаймоқни
Йўлингга сололмайсан.

Турибман сизга ташна
Оёгимда зўрға ман.
Узиб олай дейману
Қўл чўзгани қўрқаман.

ЭЙ КЎЗЛАРИ НИГОРИМ

Эй кўзлари нигорим
Назора қилиб кетинг.
Ой юзи хиромоним
ишора қилиб кетинг.

Бу қандай мажлис эрур,
ҳамма қизлар ҳур каби.
Розиман қалбимни Сиз
Садпора қилиб кетинг.

Дўсту ёрлар ҳукмидан
ишқим пинҳон айладим.
Келинг, бугун кўнглумни
ошкора қилиб кетинг.

Ҳукмингизга топширдим,
Кўнглум изингиздадур.
Майли ҳижрон дардидан
бечора қилиб кетинг.

Индамайсиз ер чизиб,
Ҳа денг, моҳим ва ё йўқ.
Дардда ўлдиринг қийнаб
ё чора қилиб кетинг.

Сочингизга урилган
балки сўнгги нафасим,
Сўнгги дамда севдим деб
девона қилиб кетинг.

***

Ердан эриб муз, қорлар кетди,
Дилдан эриб ғуборлар кетди,
Юраклардан икрорлар кетди,
Муҳаббатга ошно бўлибмиз!

Қиркда севар эмиш эр инсон,
Ўттиз уч йил севдимми ёлғон?
Бизга севги бешикдан қолғон,
Муҳаббатга ошно бўлибмиз!

Сизда икки ёдим, хаёлим,
Сизда менинг суйган ҳилолим,
Шукур дейман жуфту ҳалолим,
Муҳаббатга ошно бўлибмиз!

Бўй чўзмоқда биз эккан боғлар,
Унутилмас илк висол чоғлар,
Ошиқ бўлмас аҳди нодонлар,
Муҳаббатга ошно бўлибмиз!

Ердан эриб муз, қорлар кетди,
Дилдан эриб ғуборлар кетди,
Чин юракдан икрорлар кетди,
Муҳаббатга ошно бўлибмиз!



Муҳаммад УМАР,
ТДПУ ўқитувчиси

КУНҒИРСОЙ ЧАЛИНГУНЧА

Дам олиш саҳифаси

ИШҚИВОЗ

(Hikoya)

Мактабдан келяпману нуқул бугун "Ёшлар"да бериладиган "Реал"—"Бавария" ўйини ҳақида ўйлайман. Тавба, Акмал ҳам қизиқ-да: "Бавария ютади", деб нақ жонимга тегди. Менга эса (мен "Реал" мухлисиман) албатта алам қилди. Йўқ, "Бавария" ютади, дегани эмас, "Лизаразю Роберто Карлосдан зўр" дегани алам қилди. Нега энди Лизаразю Р.Карлосдан зўр экан? "Р.Карлос Лизаразюдан, "Реал" "Бавария"дан кучли, билдингми?", деб кетига тепмоқчи бўлдиму муаллимимизнинг ўғли бўлгани учун индамадим. Индамай тўғри қилдим ҳам. Э, сиз билмайсиз-да, у муаллимни, у жуда кучли муаллим (калласимас, билаги кучли унинг, худди Ҳануманга ўхшаб). Муомаласи ҳам "анақа"роқ. Лусио Маловерга ҳам ўхшаб кетади. Кўпчилик уни (албатта, катталар) ўқитувчилик соҳасига адашиб кириб қолган муаллим, дейишади. Лекин мен барибир у муаллимни ҳурмат қиламан. Чунки у ҳу-у 4-синфимизда имтиҳон топшираётган пайтимизда турникда 4 марта тортинган эдим, "йўқ, Умид 5 марта тортинди", деб менга "беш" баҳо қўйган эди. Ўзлари жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлгани билан футболга сира қизиқмайдилар. Чет эл жамоалари у ёқда турсин, "ўзимизники"ларниям дуруст билмаганлари чатоқроқ. Ўтган йили жаҳон чемпионати саралаш баҳсларидаги Ўзбекистон — Қатар ўйинини кўргани Тошкентга бориб, кўриб келганимдан сўнг ўша ўқитувчим: "Умид, Тошкентга яхши бориб келдингми, "Пахтакор" ютдими", — дейди-я. "Пахтакор" билан "терма"нинг фарқи бор домла, демоқчи бўлдиму, индамадим. Негаки, улар менга: ўргатма, тирмизак, сендан яхши биламан, деб қолишлариям мумкин эди-да.

Хуллас, ўша куни футболни Акмалларникида кўрдик. Худди мен айтганимдек, "Реал" "Бавария"ни тор-мор қилди. Шу лаҳзаларда муаллимимизникида эканим ҳам эсимдан чиқиб, роса ўйинга тушибман. Акмалбой эса нуқул "Реал"ни ғирромлик билан ютди деб сўкинганисўкинган. Шу вақт денг, ҳали айтганимдай хурсандчилигимдан рақс тушаётган эдим... ким денг, ишонасизми-йўқми, эшикдан майкачан, трусикчан (ухлаб ётган бўлса керак) Акмалнинг отаси кириб келса бўладими! Ана энди домлажонимиз Акмал иккимизни ҳам "ширин-ширин" муштлари билан сийлаб қолади-ёв, деб турган эдим, хайрият ундай қилмадилар (балки отам билан эски ошначилиги борлиги туфайлидир), аммо шундай ўқрайдиларки, назаримда унинг икки кўзи "ГАЗ—21" русумли мошинанинг олд чироқларидай "бўртиб" кетганга ўхшаб туюлди ва ... менинг ҳам кўзларим ерга қадалди, Акмалники ҳам. Шу зайлда қанча турганимизни билмайман, бир маҳал қарасам, телевизор ўчирилган, соат тунги 2^{17} ни кўрсатиб турибди. Боя муаллимимиз кириб келганида ўтириб қолган эканман, жойимдан сакраб турдим-у, хайр-маъзурниям насия қилиб эшик томон юрдим.

Эртаси куни мактабга шоша-пиша 3-соатга етиб борибман. Синфга қадам қўйганимни биламан, синфдошларим мен билан кўришиш ўрнига қаттиқ кулги билан кутиб олишди. Кулгиларим жуда бошқача — мазахга ўхшайди. Жуда алам қилди, йиглаб юборай дедим. Аммо қизлар олдида йигласам бундан баттар ҳолга тушиб қолишимни ўйлаб, шартта орқамга бурилиб, коридорга чиқдиму ҳайратда қолдим: не кўз билан кўрайки, деворга ёпиштирилган "расм" қоғозда бурни сабзидек-сабзидек келадиган икки нафар бола тўп ушлаб турибди. Энг даҳшатлиси, уларнинг остига "Умид + Акмал = футболчилар" деб ёзиб қўйилган эди. Ўша лаҳзаларда қай ҳолга тушганимни тасаввур қилишингиз қийин эмасдир?

Аммо мен футболга жуда қаттиқ берилдим: (телевизорда) кўришгаям, ўйнашгаям. Ўша футболни деб ўқишниям ташлаб қўйганим рост. Балки шунинг учун ҳам Акмалнинг отаси "боя"ги йўлни тутдимикин? (Акмал иккимизни деворий газетага чиқартирган ўша муаллим экан). Ахир Акмалниям футболга қизиқтирган мен эдимда. Лекин нима бўлгандаям мен шунга амин бўлдимки, киши бир нарсага чуқур берилмаслиги керак экан. Жумладан, футболгаям. Отам айтгувчи эди: "Футбол—ажойиб ўйин, қизиқсанг арзийди, ўғлим, аммо ҳар нарсанинг ўз меъёри бор-да".

Бу ҳақда ёзяпману бугун "Ёшлар"да бериладиган чемпионлар лигаси финал учрашуви ҳақида ўйлаяпман (қаранг, яна футболни ўйлаяпман-а!). Аммо, лекин, бироқ, футбол бошлангунга қадар дарсимни қилишим керак! Ахир ўқиш ҳаммасидан муҳимроқ эмасми, дўстим! Нима дедингиз?

Элмурод НИШОНОВ,
ТДПУ қошидаги академик лицей ўқувчиси

ШИФОКОРНИНГ ИШ ТАРТИБИ

— Турингглар, турингглар.
— Ҳа, нима бўлди?
— Уйқу дорингизни ичадиган вақт бўлди.

ЯХШИ ТАЛАБАЛАР

— XVII асрнинг машҳур кимёгарлари ҳақида нималарни айтиб бера оласиз?
— Ҳ-мм. Уларнинг барчаси вафот этган.

ОТА ВА ЎҒИЛ

— Шуни билиб олгинки Том, Линкольн сенинг ёшингда жуда яхши ўқиган. Маълумотларга қараганда у ўз синфининг энг зийрак ўқувчиси бўлган экан.
— Тўғри дада, мен буни биламан, лекин сизнинг ёшингизда у АҚШнинг президенти бўлган.

Инглиз тилидан ЎзДЖТУнинг 1-босқич талабаси Дилдора ПЎЛАТОВА таржимаси

Xullas...

МАРҲУМГА ҚАЙҒУРМАГАН... ҚЎШНИЛАР

Калининграднинг Совет шаҳарчасида истиқомат қилувчи Наталья Полежаева магазиндан қайтиб, ўз уйига кирар экан, ўғли Сергейни жонсиз ҳолатда кўрди. Ё астағфуриллоҳ, ярим соатча муқаддам у тирик эди-я, нималар бўлди ўзи?

Шуниси аниқки, кимдир Сергейнинг ҳаётига суиқасд қилган. Унинг ҳолати шундан далолат бериб турарди. Наталья хола азбаройи қўрқканидан, полицияга қўнғироқ қилишга мажбур бўлди. Гарчанд ўғли илгари икки марта судланган бўлса ҳам, она ўз фарзандини ёмон дегиси келмасди.

Сергей бекорчиларнинг бошлиғи бўлиб, унинг дастидан қўшни зотининг барчаси додлашарди. Ўлимидан икки кун аввал у Алексей бобонинг экинзоридаги картошкани ковлаб олиб, бозорда пуллаган эди. 77 ёшли чол бу қилмишнинг жазосини худо берсин, мен милицияга хабар бермайман, деб индамай қўя қолди.

Мана, худонинг жазоси. Афтидан, безоридан безган қўшнилар охири бир қарорга келган кўринади. Аммо қотиллик Сергейнинг жиноятларидан ҳам оғиррокдир. Полиция унинг кимлигини аниқлайди ва шунда марҳумнинг қўшнилари қотилликни содир этган одамни ҳимоя қилишармикин ёки... Гапнинг қисқаси, Сергейнинг ўлимига онасидан бошқа ҳеч ким қайғурмади-ёв...

"ПОМИДОР ЖАНГИ"

Испаниялиқларнинг буқа жанги ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Бу ҳалқдаги ажойиб-ғаройиб, бир-бирини аяб ўтирмайдиган яна бир ўйин — "помидор жанги"-ни эҳтимол ойнаи жаҳон орқали кўргандирсиз.

"Помидор жанги" — испанларнинг энг қадимий миллий ўйинларидан бўлиб, бу асосан пишиқчилик даврига тўғри келади. Шуниси борки, "помидор жанги"га испанлар устки кийимларини ечиб тушишади ва ҳамма лолақизғалдоққа айланади. Биров-бировни таниши шарт эмас, помидорлар эса дуч келган томонга қараб отилаверади. Кимлардир йиқилиб тушади, кимлардир помидорга тўяди, кимлардир кўз очолмай қолади. Майдон эса қип-қизил тусда.

Агар "помидор жанги"-да ўн минглаб одамлар иштирок этиб, ҳар бир киши бир челакдан ҳосилни исроф қилса, бундай ўйинни ўтказишдан қандай наф бор экан? Турган-битгани зарар, аммо ҳеч бир халқ сингари испанлар ҳам ўз миллий ўйинларини унутгиси келмайди, деб хабар берилади "Труд" газетасида.

ОҚ ОТДА ГАП КЎП ЭМИШ

Бошқирдистоннинг замонавий санъат музейида қадимий турклар шарафига "Руҳий муваффақият" деб номланган кўргазма очилганида, томошабинлар анча ажабланишди. Бунақаси ҳали бўлмаган. Музей ходимлари эътирофича, бундан "ҳаётий куч" деган маъно ҳам англашилар экан.

"Руҳий муваффақият" ибораси аслида Чингизхон давридан қолган бўлиб, унга ҳамиша оқ от билан ҳамроҳ бўлишни маслаҳат беришган.

Музей ходимлари ҳам тарихга бир қур назар солиб, унинг қоқ марказига ясама оқ отни қаққайтириб қўйиб қўйишди. Гўёки оқ от келиб-кетувчиларга ҳам бахт ва омад келтирар экан.

Оқ от музейдаги энг ардоқли экспозициядир.

ana shunaqa gaplar

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика Ўқув-методика марказида 2002 йилнинг декабрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари — 03.12.2002 й. — 29.12.2002 й.
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари — 03.12.2002 й. — 29.12.2002 й.
3. Мактабгача таълим муассасаси қисқа муддатли мудиралар гуруҳи — 02.12.2002 й. — 21.12.2002 й.

Курс давомида тингловчиларга таниқли педагоглар, ДТС, ўқув дастури ва дарсликлари муаллифлари, олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари, Ўзбекистон халқ шоирлари билан учрашувлар ҳамда "Темурийлар тарихи" Давлат музейи, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

Тингловчилар учун марказ тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона ҳамда "Аёллар маслаҳатхонаси" ва болалар хонаси (3—7 ёшгача)хизматда бўлади. Суткали ва йўл харажатлари марказ ҳисобидан тўланади.

ЭСЛАТМА: 1. Ўқишга юбориладиган тингловчилар сафар гувоҳномасида кўрсатилган муддат (3 кун) ичида етиб келишлари шарт. 2. Ўз муддатида келмаган ва тоифага мос бўлмаган тингловчиларни қайтарилганда, сафар харажатлари тўланмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент—95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг "Талабалар шаҳарчаси" бекати.

ТЎЙЛАР ХУСУСИДА ФИКРИНГИЗ БОРМИ?

"Ўзбекистон" телеканалида "Иқтисод" студиясининг "Телемулоқот" кўрсатуви ходимлари 28 ноябрь кунги пайшанба сонида "Тўйлар ва бошқа маросимлар" мавзуида ўз мухлислари билан эфир орқали учрашадилар. Мазкур кўрсатувда сиз пойтахтимиз Тошкент ва бошқа жойларда бугунги кунда тўй ва маросимларнинг дабдабали тарзда ўтказилаётганлиги ҳақидаги мулоқотни кўриб, ўз фикрингизни билдиришингиз мумкин.

Дилноз МУРТАЗАЕВА,
ЎзМУнинг журналистика факультети 1-курс талабаси

Хурматли устозларимиз — Нишонбой БОБОЖОНОВ, Сафарбой ЯДГАРОВ!

Сизларни 60 ёшга тўлганлигингиз билан самимий муборакбод этамиз. Ўтган умрингиз давомида мактабимизда таълим-тарбия ишини самарали йўлга қўйиш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашдаги саъй-ҳаракатларингиз таҳсинга сазовор.

Сизларни шундайин шодиёна кунларда табриклаб, келгусидаги фаолиятларингизда янада улкан муваффақиятлар ёр бўлишини, танингиз соғ-саломат, хонадонингиз ҳамиша файзли бўлишини тилаймиз.

Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 12-ўрта мактаб жамоаси ва бир гуруҳ шогирдларингиз

ПАЙҒАМБАРЛАР ҚИССАСИ

Ушбу венгерча кроссвордда Қуръони каримда зикр этилган 25 пайғамбар номлари яширинган.

1. Биринчи пайғамбар, Қобил ва Ҳобилнинг отаси (4). 2. Жаброил фаришта биринчи бўлиб ваҳий келтирган пайғамбар (5). 3. Ўз қавми ичида 50 йили кам минг йил яшаган пайғамбар (3). 4. Даҳшатли, қутурган бўрон билан ҳалокатга учраган Од қавмини ҳидоятга бошлаган пайғамбар (3). 5. Самуд қавмини ҳидоятга бошлаган пайғамбар (5). 6. "Пайғамбарлар отаси" номи билан машҳур бўлган пайғамбар (7). 7. Тарихда ҳозирги Ўлик денгиз ўрнида яшаган динсиз қавмни ҳидоятга бошлаган пайғамбар (3). 8. Иброҳим алайҳиссаломнинг Аллоҳ таоло қурбонлик қилиш учун буюрган ўғли (6). 9. Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли, Ёқуб алайҳиссаломнинг отаси (5). 10. Юсуф, Бунёминларнинг отаси, пайғамбар (4). 11. Ўзининг ғоятда гўзал ҳусни билан машҳур бўлган пайғамбар (4). 12. "Пайғамбарлар хатиби" номини олган пайғамбар (5). 13. Дунёдаги энг сабрли инсон дея таъриф этилган пайғамбар (3). 14. Аюб алайҳиссаломнинг ўғли; иккинчи номи – Бишр (7). 15. Миср фиръавни Рамзис II даврида яшаган пайғамбар (4). 16. Мусо алайҳиссаломнинг биродари, "Бани Исроил" қавмини ҳидоятга бошлаган пайғамбар (5). 17. Аллоҳ таоло "Забур" китобини туширган пайғамбар (5). 18. Жинларни бўйсундирган пайғамбар (8). 19. Баълабакка шоҳи Ажибни ҳидоятга даъват этган пайғамбар (4). 20. Илёс алайҳиссаломдан сўнг унинг даъватини давом эттирган пайғамбар (5). 21. Қуръони каримдаги ҳикоятга кўра биргина итоатсизлиги учун денгизда кит ютиб юборган пайғамбар (4). 22. Яҳё алайҳиссаломнинг отаси, пайғамбар (7). 23. Исо алайҳиссаломдан олдин ўтган пайғамбарлардан бири (3). 24. "Руҳуллоҳ", "Масиҳ" номларини олган пайғамбар (3). 25. Сарвари коинот, охир замон пайғамбари (8).

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 2002 йил 23 ноябрдаги 93-сонидаги "А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда 2002 йил учун декабрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган" деб номланган эълондаги 14, 15, 16 бандлар қуйидагича тузатиб ўқилсин:

14. Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун УЎТ янги ўқув дастури мақсадли курс (химия-биология) Тошкент вилоят ПҚТМОИда 9-14

15. Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун УЎТ янги ўқув дастури (ўзбек тили ва адабиёти) Тошкент шаҳар ПҚТМОИда 9-14

16. Туман (шаҳар) ХТБ бошланғич таълим методистлари учун илғор педагогик технологиялар ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси Қашқадарё вилоят ПҚТМОИда 2-7

Ўқитувчига олиб келган "штучный" дан "уриб" қолувдим, кел тутатиб оламиз.

А.ҲАКИМОВ чизган расм.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-1028.
Тиражи 23316 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Назокат ХОЛМЕТОВА,
Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00